O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 30-mart, chorshanba ● № 13 (713) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ҚАЛАМ МАСЪУЛИЯТИ

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, журналистнинг меҳнатини қадрлаш, жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, мақомини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилаётир. Хусусан, «Атиргул», «Олтин қалам», «Йилнинг энг фаол журналисти», «Энг улуғ, энг азиз» каби танловлар бир неча йилдан буён мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

⇨ 4-бет

УРАНГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШ ПАСАЙМОҚДА

Японияда юз берган ядровий инқироз "Росатом" Россия давлат корпорациясини "Mantra Resources" уран қазиб олиш компанияси билан савдо шартларини қайта кўриб чиқишга ва таклиф этилган баҳони 12 фоизга пасайтиришга мажбур қилди.

⇨ 5-бет

КАМОЛОТ ПИЛЛАПОЯСИ



"Гулгина" мажмуасидан мактабгача ва бошланғич таълим йўналишидаги коллеж ўқувчилари, олийгоҳ талабалари ва соҳа мутахассислари ўқув-амалий қўлланма сифатида бемалол фойдаланса бўлади.

⇨ 7-бет

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 март куни Оқсаройда ЕХҲТнинг кам сонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари Кнут Воллебекни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари К.Воллебекнинг Марказий Осиёда миллатлараро муносабатларга оид долзарб масалаларга эътиборини юқори баҳолаб, тинчлик ва барқарорликни сақлашда, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашда ЕХҲТнинг кам сонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Миллатлараро ва конфессияларо бағрикенглик тарихан мамлакатимизни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳати бўлиб келган. Миллатлараро тотувлик ва барқарорлик Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсати ва ижтимоий тараққиётнинг туб мақсадларидан биридир.

Ўзбекистон Конституциясида миллати, дини ва тилидан қатъи назар, барча фуқаролар тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги кафолатланган. Бугунги кунда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллатлар вакиллари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жамиятда демократик жараёнларни чуқурлаштиришда фаол иштирок этмоқда. Қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти тузилмаларида мамлакатдаги барча миллат ва элатлар вакиллари фаолият кўрсатмоқда.

К.Воллебек 2010 йилнинг июнь ойида Қирғизистоннинг жанубий ҳудудларида юз берган фожиали воқеалар пайтида Ўзбекистон тутган позицияга юксак баҳо бериб, бундай ҳар томонлама пухта ўйланган оғир-вазмин ёндашув можаронинг авж олиши ва давлатлараро қарама-қаршиликка айланиб кетишининг олдини олиш имконини берганини алоҳида қайд этди. ЕХҲТ Олий комиссари Қирғизистонда рўй берган воқеалар юзасидан мустақил халқаро тергов ўтказиш муҳим эканини яна бир бор таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон билан ЕХҲТнинг кам сонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари идораси ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар кўриб чиқилди.

(ЎзА)

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.



"CHEVROLET SPARK": ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бундан 15 йил аввал Асака шаҳрида автомобиль заводи ишга туширилгач, Ўзбекистон дунёдаги етакчи автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлардан бирига айланди. Бу — мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларнинг амалий самараларидандир.

Бугунги кунда ўзбек автомобиллари кўплаб хорижий мамлакатларда харидоргир ҳисобланади. МДҲ ҳудудидаги 104 шаҳарда мазкур автомобилларни сотиш бўйича диллерлик корхоналари мавжуд. Европа бизнеси уюшмаси автомобиль ишлаб чиқарувчилари қўмитасидан маълум қилишларича, ўтган йили "GM Uzbekistan" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар Россиядаги энг харидоргир автомобилларнинг ўнлигига кирган.

Ўтган йилдан бошлаб мазкур корхонада янги — "Chevrolet Spark" автомобилини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Еттинчи русумдаги мазкур автомобиллар ҳозирда экспорт қилинмоқда. Ушбу кам сиғимли янги авлод машинаси қулайлик ва хавфсизлик даражасининг юқорилиги, яхши техник кўрсаткичлари ҳамда замонавий кўриниши билан ажралиб туради.

Асака заводида "Chevrolet Spark" автомобиллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун кенг кўламли реконструкция ва модернизация ишлари амалга оширилди, замонавий автомобиллар ишлаб чиқарадиган энг янги ускуналар ўрнатилиб, илғор технологиялар жорий қилинди. Қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 50 минг "Chevrolet Spark" русумидаги автомобилни ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Рустам ШАҒАЕВ,
ЎзА мухбири

"Биз — бунёдкор халқмиз" фототанловига



Суратларда: "GM Uzbekistan" қўшма корхонаси фаолиятидан лавҳалар.
Муаллиф олган суратлар.

РОҒУН ЛОЙИҲАСИ — ЎРТА ОСИЁ УЧУН ЦУНАМИДАН ҲАМ ХАВФЛИРОҚ

Японияда рўй берган кучли зилзила ва шиддат билан босган цунами табиатнинг бошқариб бўлмайдиган фалокатлари одамлар ҳаёти учун қандай даҳшатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини яна бир бор исботлади. Бугунги кундаги глобал иқлим ўзгариши шароитида даҳшатли табиий офатларнинг тез-тез такрорланиши одатий ҳолга айланмоқда. Ушбу офатлар инсон ҳаёти ва фаолияти натижалари билан биргаликда илгари мисли кўрилмаган кўламдаги техноген фалокатларни келтириб чиқармоқда. Бунга Япония атом электр станциясида рўй берган фалокат яққол мисол бўла олади.

Японияда содир бўлган ушбу фалокат бутун дунёда катта ташвиш уйғотмоқда. Кўплаб давлатлар ҳукуматларини шундай ҳалокатларнинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўришга, ҳаттоки, зилзила юз бериш эҳтимоли назарий жиҳатдан ҳам деярли мумкин бўлмаган Германияда бўлгани каби атом электр станциялари фаолиятини тўхтатишга мажбур қилмоқда. Мантиқан олиб қараганда, бундай чора-тадбирлардан кўзланган мақсад тушунарли, албатта. Бинобарин, дунёда бинолар ва иншоотларнинг зилзилага бардошлигига нисбатан талаблар ғоят қатъий бўлган ва сейсмик фаол зонада энг илғор қурилиш технологиялари асосида иш олиб бориладиган Японядек давлатдаги шундай фалокатларнинг содир бўлиши эҳтимолдан холи эмас экан, бошқа ҳеч бир мамлакат ўзини бундай офатлардан ҳимояланган, деб ҳисоблай олмайди.

Шу муносабат билан Тожикистон раҳбариятининг мамлакат аҳолиси онгига бир неча йиллардан буён муттасил қуйиб келинаётган Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси ҳақидаги баландпарвоз гаплари ёдга тушади. Ҳолбуки, бу ўринда гап тектоник емирилувчи ва йирик туз қатламлари мавжуд жойда дунёдаги энг баланд тўғонли Роғун ГЭСи қурилиши ҳақида бормоқда. Ачинарли жиҳати шундаки, гўёки, бу лойиҳа мазкур мамлакатда яшаётган одамларнинг тақдирини тубдан ўзгартириб юборади. Хайриятки, ушбу таги пуч ғоянинг асл моҳияти ва аянчли оқибатларини англаб етаётган соғлом фикрли олимлар ҳам йўқ эмас.

(Давоми 2-бетда)

ОБУНА – 2011

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар!
"HURRIYAT" газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир. Маълумингизки, 2011 йил учун обуна давом эттирилмоқда.

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Эслатиб ўтамиз:

"HURRIYAT"*нинг нашр индекси — 233*

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига

Кўкламнома

Тонг билан туринг-у, уйқусидан кўз очган далаларни бир айланинг. Қирларга, адирларга кўз ташланг. Пағ-паға оқ-кўкиш булутлар сузиб юрган осмон кўксига тикилинг. Кузги ғалла майсалари барқ уриб ўсаётган пайкалларга, эрта-индин чигит қадашга тайёр миллиард-миллиард эгатларга боқинг, боғларга, тоғларга назар солинг. Чаман-чаман очилган новдалар, барқут тўнини кийишга шай паст-баланд майдонлар... Атрофда сурувларини яйловларга ҳайдаётган чўпонларнинг «қурей-қурей»лари...

Ана, тонгни муштоқ кутган болакайлар кенгликка чиқиб, варракларини учиришга уринаяпти. Кимдир субҳи саҳардан отига қамчи босиб, дупурлатганча қаергадир шошаяпти. Ҳаво бирам тоза, бирам беғубор... Гоҳ у ҳовлидан ўчоқда, гоҳ бу ҳовлидан тандирда ловиллаб ёниб, бозиллаган олов тили кўкка ўрмалайди. Тонгки..., энтикиб кетасан киши... Тинч, тотув, файзли ҳаёт. Тоғ ортидан фалак бағрига нурдан найзалар қадаб, аста кўтарилиб келаётган Қуёш ҳам ҳо-ов-в этак-этакларда ернинг пўлат яғринлари — ҳайдов ва чопиқ тракторлари ҳаракат қилаётган экинзорларга эиё соча бошлади. Кўклам офтоби бу!

Шу офтоб тафтида кўкараётган, яшараётган ва янгиланаётган мамлакатимиз борлиғида ҳамон Наврўз нафаси уфурмоқда.

2 »

РОҒУН ЛОЙИҲАСИ – ЎРТА ОСИЁ УЧУН ЦУНАМИДАН ҲАМ ХАВФЛИРОҚ

(Бошланиши 1-бетда)

Роғун ГЭСи қурилиши ҳақидаги хомхаёл билан юрган Тожикистон раҳбарияти кўп йиллар давомида бутун дунё жамоатчилигини Тожикистонда ҳалокатли зилзилалар хавфи деярли йўқлигига ишонтиришга уриниб келаётганини эслатишга ҳожат бўлмаса керак. Хусусан, Тожикистон Бош вазири А.Оқилов ўтган йили Роғун ГЭСи қурилиши хавфи хусусида Ўзбекистоннинг сўровига юборган жавобида Роғун ГЭСи қуриладиган зонада 6 баллдан кучли зилзила бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлаган.

Айни пайтда, Тожикистон Республикаси Фанлар академияси сейсмология институтининг фахрий директори, академик Собит Негматуллаев ИТАР-ТАСС мухбирига 2011 йил 15 мартда берган интервьюсида Японияда содир бўлган салкам 9 баллик зилзилага ўхшаш ер силкинишлари 1907 йилда Тожикистон ҳудудидаги Қоратоғда, 1911 йилда Помирда юз бергани ва Сарез кўлининг пайдо бўлишига олиб келганини, 1949 йилда Хайтда ҳам такрорланганини қайд этган. Ўша зилзилалар 100 мингдан зиёд одамнинг ҳаётига зомин бўлган. Академик С.Негматуллаев ушбу зилзилалар юзага келтирган жараёнларни таҳлил қилар экан, кейинги 10 йил мобайнида Помир-Ҳиндикуш тоғ тизмасида кучли ер силкиниши рўй бериши мумкинлигини башорат қилган.

Нуфузли олим томонидан келтирилган ушбу статистика Тожикистон Бош вазирининг таскин учун айтилган баёнотидан кўра ишончлироқ, албатта. Академик С.Негматуллаевнинг мазкур башоратлари сейсмология соҳасида жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилган тадқиқот услубларига асослангани билан эътиборни тортади.

Тожикистон ҳукумати дунёдаги энг баланд тўғонни қуриш лойиҳасини қандай бўлмасин амалга ошириш мақсадида Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси билан боғлиқ техноген фалокатларнинг бўлажак хавфи ҳақида огоҳлантираётган кўплаб давлатларнинг олим ва мутахассисларининг ташвишли фикрларини эътиборсиз қолдирмоқда. Бу лойиҳа оқибатида юзага келадиган ўта жиддий хавфларни тожикистонлик олимларнинг хулосалари ҳам тасдиқлаб турибди. Айниқса, шуниси муҳимки, сейсмологлар Японияда содир бўлган зилзила ва Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳалаштирилаётган ҳудуднинг сейсмик фаоллиги ўртасида бевосита боғлиқлик борлигига эътиборни қаратмоқда.

Агар бу ҳудудда Япониядаги каби кучли зилзила рўй берадиган бўлса, баландлиги 335 метрдан зиёд тўғонга чуқурлиги 300 метрдан юқори бўлган сувнинг кучли ва катта босими тушади. Оқибатда тўғон унга дош беролмай, пойдевори силжийди ва ўпирилиш юз беради. Бу эса дахшатли цунамини келтириб чиқариши мумкин.

Баландлиги 10 метр келадиган цунами Японияда қандай вайронагарчиликларга сабаб бўлганини барчамиз кўрдик. Зеро, оқибатини ўйламасдан қурилаётган Роғун ГЭСи тўғони лойиҳаси амалга ошса ва у ўпирилиб кетадиган бўлса, Вахш дарёси оқими бўйлаб пастга шиддат билан ёпириладиган сувнинг баландлиги ер сатҳидан камида 100 метрни ташкил қилади, вайронагарчиликлар келтириши борасида Японияда цунамидан бир неча баравар ошиб тушади.

Тўғоннинг ўпирилиши Ўрта Осиё мамлакатлари учун, авваламбор, Тожикистоннинг ўзи учун мисли кўрилмаган фалокатлар олиб келади. Мутахассисларнинг фикрича, воқеалар шу зайлда ривожланадиган бўлса, катта миқдордаги сув пастга секундига 130 метр ёки соатига 468 километр тезликда Нурек ГЭСи томон ёпирилади. Нурек ГЭСи тўғони бутунлай вайрон бўлиб, Нурек шаҳри баландлиги 280 метр ва тезлиги секундига 86 метр бўлган сув босими остида қолади. Вахш каскадининг бошқа ГЭС ва гидроузеллари ҳам шу каби бутунлай вайронага айланади, Сарбон, Қўрғонтепа ва Румий шаҳарларини бутунлай сув босади. Сув тошқини зарбига биринчи бўлиб ушбу шаҳарлар дуч келади ва у Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг бошқа ўнлаб шаҳарлари ҳамда аҳоли пунктларини ҳам босиб кетади.

Шу боис Японияда рўй берган зилзила ва унинг фожиали оқибатлари, шунингдек, тожикистонлик сейсмологларнинг холис фикрлари мисли кўрилмаган баландликда ушбу улкан гидроузел тўғонини лойиҳалаштириш ва қуришдек таги пуч ғояни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Тожикистон раҳбариятининг кўзини очади, деб умид қиламиз.

С. ЖИГАРЁВ,
"Гидролойиҳа" МЧЖ директори





Кўкламнома

(Бошланиши 1-бетда.)

Наврўз — Истиқлолда қайта уйғонган айём. Азалий, абадий, суюк ва буюк бу байрамни улуғ алломалардан бири — Фирдавсий «Байрамлар шоҳи» яъни, байрамлар «подшо»си деб бежиз айтмаган. Шўролар даврида қатағон қилинган ана шу байрамнинг қайта уйғониши (таъбир жоиз бўлса, қайта туғилиши!) Юртбошимиз Ислом Каримов номи билан боғлиқлиги, шаксиз. Ўтган асрда сиёсий ҳаётнинг ола тасирли 90-йилида махсус Фармон билан Наврўзнинг чинакам дунёвий, халқчил, оммабоп байрам сифатида эълон қилиниши жасоратга менгзагилик қадам эди. Унинг илк кунига дам олиш куни, халқ сайли куни мақоми берилгани ҳам фалсафий, ижтимоий ва маънавий мазмунини янада бойитди, кенгайтирди. Бу эса бирданига халқаро ҳамжамият эътиборини тортди...

Европа, Америка, Австралия олимлари ҳам унинг аҳамияти, ўтказилиши билан қизиқиб қолишди. Хусусан, Ўзбекистон тажрибаси уларга маъқул келди... Ҳатто америкалик Лара Адамс деган социолог олим биздаги байрам тантаналарининг ташкилий жиҳатлари тўғрисида докторлик ишини ёқлади. Зеро, байрамнинг нишонланиш даражасига қараб, халқнинг тараққиёт даражасини билиш мумкин. Чунки у — ижтимоий ҳаёт кўзгуси. Маънавияти бой, файзли элнинг байрами ҳам файзли, қутли, кўркам бўлиши табиий. Шоирлар унинг васфини "кўклам билан кўркамдир ўлкам", деб бекорга назмга солишмаган, ахир.

Кун ва туннинг баҳорий тенг келувида Наврўз билан бирга ҳижрий Ҳамал ойи ҳам кириб келади. Ҳамал бошланиши билан борлиқ уйғонади, яшаради, янгиланади...

Оқ каптарнинг оқиш парлари каби,
Булдуруқлар тушар терак шохидан.
Тоғларда қорлар эриб, жилғалар лаби,
Барқутдан тўн кияр Ҳамал чоғидан.

... Ана, пайтавасига "қурт" тушган деҳқон қуёш нурида ярқираган кетмонини елкасига ташлаб далага отланди. Пиллакорлар мавсум олдидан шошиб-пишиб тутзор ораламокда, болакайлар қир-ўнгирларда қийқириб-қийқириб бойчечак, чучмома, бўтакўз тергали ошиқмоқдалар.

Сўнгги йилларда Ҳамалдан Ҳамалгача бўлган даврнинг ҳар бир кунида рўй берган **амаллар** самарасини шоҳ байрамимизнинг шоҳона севинчларини мамлакатимизда йил сайин ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари тимсолида бир тасаввур қилинг: инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида бир неча юзлаб инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Ўнлаб (нефть-газ, кимё, металлургия, машинасозлик саноатлари ва қурилиш индустриясида) йирик ишлаб чиқариш объектлари ҳаракатга келди. Улар орасида «Фарғонаазот» ва «Максам-Чирчиқ» корхоналарининг аммиак агрегатлари, Наманган енгил автомобиллар фараси ва чироқлари заводи, Бухоро «ДЭУ текстиль» тўқимачилик мажмуаси, «Газли» қўшимча компрессор станцияси, Қўнғирот компрессор станцияси, Туркманистондан Ўзбекистон ҳудуди орқали Хитойга ўтадиган газ қувури қурилиши сингари иқтисодиётимиз равнақига хизмат қилувчи юзлаб муҳим объектлар бор.

«Янги Ангрен — Ўзбекистон» ЛЭП-500 электр узатиш линиясини оласизми, Қамчиқ давонидан ўтувчи «Оҳангарон — Пунгон магистраль газ қувури ёки «Ғузор — Сурхон» юқори вольтли электр тармоқларини оласизми, барчаси стратегик инвестиция лойиҳаларини ҳаётга изчил татбиқ этиш туфайли мамлакатимизда ягона электр ва газ тармоғи тизимлари яратилишига самарали хизмат қила бошлади.

«Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йил линиясида Япония инвестицияси иштирокида фойдаланишга топширилган кўприклар, «Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус» темир йўли разъездлари, Навоийда барпо этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона, Ангрен ва Фарғона водийси оралиғида вужудга келган халқаро магистраль маркази, «Тошкент — Бухоро» магистраль алоқа линияси... эҳ-ҳе, уларнинг қай бирини айтиб улгурасиз... «Андижон — Ўш», «Қўнғирот — Бейнов», «Денов — Турсунзода», «Термиз — Ҳайратон» йўналишларидаги халқаро алоқа тармоқларини айтмайсизми!

Тизим-тизим қилиб келтириш мумкин бўлган бундай далиллар залвори мамлакатимиз халқ хўжалигининг ҳамма жабҳаларида юз кўрсатди. Зеро, улар айни йиллар оша бажарилган ишларимиз, юмушларимиз, саъй-ҳаракатларимизнинг амалий ифодаси бўлди: Навоий вилоятида тобора фаолияти ривож олаётган ЭИИЗ — эркин индустриал иқтисодий зонанинг асосий объектларидан — Навоий шаҳри аэропорти халқаро юк ташувлари бўйича интермодель маркази қурилишини олинг: «Кореан Эйр» компаниясидан миллий авиакомпаниямиз ижарага олган замонавий транспорт самолётлари билан мазкур аэропортдан халқаро йўналишлар бўйича юзлаб рейслар қатнови йўлга қўйилди. Уларнинг салоҳияти кўмагида биргина ўтган йил Логистика марказининг юк терминали орқали 50,1 минг тонна ёки 2009 йилга қараганда 3 баробар кўп юк ташилди. Шунингдек, Ангрендаги халқаро логистика маркази томонидан 4 миллион тоннадан ортиқ юк ташиш амалга оширилди.

Санаб ўтилган бу объектларнинг самараси ҳақида гап кетгудек бўлса, шубҳасиз, яратилган миллионга яқин янги иш ўринлари ва аҳоли турмуш даражасининг сезиларли юксалганини далилловчи кўрсаткичлар билан якун топади. Масалан, ўтган йилнинг ўзида 953,7 мингдан зиёд янги, муқим иш ўринлари яратилди. Бунинг 576,5 минги қишлоқ жойларида вужудга келди. Жами янги иш ўринларининг 65 фоизи кичик бизнес ва фермерлик соҳасида ташкил этилди. Пировардида, аҳолининг реал пул даромадлари 2009 йилга нисбатан 23,5 фоизга кўпайди.

Хуллас, ютуқлар ҳақида яна ва яна, кўп ва хўп келтириш мумкин. Ҳолбуки, яқин-яқингача баъзи либерал иқтисодчи экспертлар Ўзбекистоннинг саноатнинг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатини танқид қилишарди. Бироқ, бугун дунёда 1929-1939 йилларидаги депрессиядан сўнг биринчи марта юз берган инқироз шароитида улар ҳам саноат ривожини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш — ҳаёт талаби эканига иқрор бўлмоқдалар. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида олиб борилган бу сиёсат 1997 йилги Осиё инқирози даврида ҳам, ҳозирги жаҳон инқирози шароитида ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигини тўла намоён этди. Шу боис, давлатимиз раҳбари 2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ғурур-ифтихор билан таъкидлади:

«Биз бугун 2010 йил якунларини баҳолар эканмиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганини қайд этишимиз зарур. Шуни яна бир бор эслатиб ўтмоқчиманки, юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди. Жаҳон молия институтларининг хулосасига кўра, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири экани албатта барчамизга мамнуният бағишлайди.

Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошди».

Булар ҳали сўнгги 10 йилда изчил **амал** олган ишларимиздан саноқлигина мисоллар, холос. Зеро, бизнинг мустақил ўлкамизда:

Ҳамал келсагина амал кирмайди,
Бутун йилимиз муттасил амал.
Истиқлолда ўтган ўн тўққиз Ҳамал,
Барчаси чамандек чиройли маҳал...

* * *

Шу чиройли маҳалларда бу галги Ҳамалдан келгуси Ҳамалгача бўлган амалларимиз ҳам аниқ ва равшан экани нур устига аъло нурдек гўё... Уларни Президентимиз Ислом Каримов жамият ривожи билан боғлаб, жорий йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида асосан тўртта йўналишда белгилаб берди: **биринчидан,** *мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай, ишчан муҳит яратиш, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур-чора тадбирларни амалга ошириш;* **иккинчидан,** *ҳар иккала субъектлар фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш, турли хил кераксиз чеклов ва тақиқлардан воз кечиш;* **учинчидан,** *уларни кредитлар, хомашё ресурслари ва давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;* **тўртинчидан,** *кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун лозим бўлган ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни туғдириш...*

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
публицист

Истеъмолчи интизоми ҳақида сўз

«ОЛОВ»И ЁҚАДИ, ТЎЛОВИ «ЧАҚАДИ»МИ?

Халқимизда «олмоқнинг бермоғи бор» деган нақл бор. Бу нақл, наздимда, электр энергиясидан фойдаланаётган истеъмолчиларнинг тўлов интизомига қарата айтилгандек гўё...

Эсингизда бўлса, мамлакатимиз Президентининг 2004 йил 29 сентябрдаги фармойишига мувофиқ махсус комиссия тузилганди. Мазкур комиссия ўшанда энергия билан таъминловчи ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар аҳволини танқидий ўрганиб, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси томонидан кўрилган чора-тадбирлар ижросини таҳлил қилганида бу борада кўплаб камчиликлар борлиги маълум бўлди. Жумладан, етказиб берилган электр энергияси учун тўловларни вақтида тўламаган истеъмолчиларни энергия манбаидан узиб қўйиш талаблари бажарилмаётгани, тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзлари йил сайин кўпайиб бораётгани, истеъмол қилинаётган электр энергиясини ҳисобга олишнинг мақбул тизими яратилмагани рўй-рост очилиб қолди. Шундан сўнг мазкур соҳадаги аҳволни тубдан яхшилаш, тўловларнинг тўла ва вақтида амалга оширилишини таъминлаш, энергия етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги шартномавий мажбуриятлар ижросида жавобгарликни ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорда 2005 йил 1 январдан бошлаб, солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар вақтида тўланмагани учун жавобгарликка тортишнинг белгиланган тартиби баён этилиб, бу тартиб истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган тўловларга йўл қўйган юридик шахсларга татбиқ этилиши кўрсатилди.

Муҳими, қарорда республика Давлат солиқ қўмитасига ҳам тўлов муддати ўтган қарзларни йиғиш ва юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун маблағларнинг тўлиқ тушишини назорат қилиш вазифаси юклатилди. Масалан, юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган қарзлар «Ўзбекэнерго» ДАК бўлинмалари томонидан ҳар ойда тақдим этиладиган тўлов талабномалари тўғрисидаги реестрлар бўйича юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан сўзсиз тартибда ундириб олиниши белгилаб қўйилди.

Шу нуқтаи назардан, бизнинг Сирғали туманимизда 2011 йилнинг 1 март ҳолатига кўра умумий абонентлар — электр энергияси истеъмолчилари сони 51249 та бўлиб, шундан 49843 таси аҳоли, 1165 таси юридик шахслар ва 241 таси тадбиркорлардир. Туман давлат солиқ инспекцияси муддати ўтган қарздорликни камайтириш ҳамда ноқонуний электр энергиясидан фойдаланаётган истеъмолчиларни аниқлаш ва бундай ҳолатларни бартараф этиш мақсадида электр тармоғи корхонаси билан ҳамкорликда мунтазам рейдлар, мониторинглар ўтказиб келмоқда. Масалан, жорий йилда ўтказилган рейдларда 13 та ҳолат юзасидан қонунбузарларга 3 миллион 954 минг 500 сўм ҳажмида жарима солинди. Амалий ишлар натижасида муддати ўтган дебитор қарздорлик шу йилнинг 1 март ҳолатига кўра ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 98,3 миллион сўмга камайди.

Бу ишларда, шубҳасиз, туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи муассасалар, суд ижрочилари департаменти ва электр тармоғи корхонаси ҳамкорлиги катта наф берди. Бироқ шу ўринда электр энергиясидан фойдаланишда тўлов интизомини бузаётган истеъмолчиларга саволимиз бор: электр нури, яъни, «олов»и ёқади-ю, тўлови чақадими? Ахир, юқорида айтганимиздек, «олмоқнинг бермоғи бор».

Р.АҲМАДЖОНОВ,
Сирғали тумани ДСИ бош давлат солиқ инспектори

Нақд пул тушуми кўпаяди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартдаги "Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Мирзо Улуғбек туман ДСИ ходимлари томонидан тегишли режалар ишлаб чиқилиб, амалга татбиқ этилмоқда.

Ҳозирги пайтда туманда 109 та корхона аҳолига автотранспорт хизматини кўрсатиб келмоқда. Тижорат мақсадида фаолият юритаётган 45 та корхонада жами 948 та автотранспорт воситаси, жумладан, 210 та автобус, 211 та микроавтобус, 306 та енгил автомобиль, 221 та юк автомашинаси мавжуд. Нақд пул тушуми самарадорлигини ошириш мақсадида транспорт воситаларининг тўлиқ қувват билан ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Автотранспорт корхоналарининг лицензия ва лицензия варақлари бўйича инвентаризация ўтказилмоқда. Корхона раҳбарлари билан ҳар ойда семинар-йиғилишлар ташкил этилиб, аниқланган хато ва камчиликлар бартараф этилаётир.

С.САИДМУРОДОВ,
Мирзо Улуғбек тумани ДСИ шуъба бошлиғи

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47, Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

✓ 2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Тадбиркорликнинг ривожланиши Ватан тараққиёти омилидир

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ иқтисодиётнинг муҳим йўналиши ва таянчи, миллий тараққиёт йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч бўлмиш тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг кучли тизимини босқичма-босқич қарор топтириш ҳамда эркин тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номланиши ва тегишли Давлат дастурининг қабул қилиниши эса бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, "Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллайди". Ҳақиқатан ҳам кичик бизнес алоҳида категория сифатида жамиятнинг барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларига таъсир кўрсатиб, фуқаролар ҳаётининг, шунингдек, давлатнинг муайян тарихий-иқтисодий шарт-шароитларини акс эттиради.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда мавжуд бўлган кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 52,5 фоизини ишлаб чиқармоқда. 2000 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этган эди.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) нима? ЯИМ — бир йил давомида мамлакат миқёсида ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар, кўрсатилган ишлар, хизматларнинг бозор нархидаги қийматидир. Демак, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг асосий қисмини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилишидир.

Келинг, мушоҳадамиз аввалида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мазмунмоҳияти ва уларнинг ҳуқуқий мақоми нималардан иборатлигини англаб олайлик.

2000 йил 25 майда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

Кичик тадбиркорлик фаолияти — кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият ҳисобланади.

Кичик тадбиркорлик субъектларига якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар киради. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кичик корхона ва микрофирмаларни аниқлашнинг асосий мезонидир. Бунда унитар (шўъба) корхоналарда, филиалларда ва ваколатхоналарда ишловчиларнинг сони ҳам ҳисобга олинади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти (хусусий тадбиркорлик) деб жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан фаолиятнинг амалга оширилиши айтилади. Якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларига юридик мақомга эга бўлмагани учун ходимларни ёллаш ҳуқуқи берилмайди. Бу тоифага якка тадбиркорлар, оилавий тадбиркорлар, оддий ширкатлар, юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликлари киради.

Кичик корхоналарга банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан:

— енгил, озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатида — 100 киши;

— машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида — 50 киши;

— фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида — 25 киши бўлиши лозим.

Микрофирмаларда эса банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан:

— ишлаб чиқариш тармоқларида — 20 киши;

— хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида — 10 киши;

— улгуржи, чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларида — 5 киши.

Кичик корхона ва микрофирмалар ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, ошириб юборишга йўл қўйилган давр ва кейинги уч ой учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади. Бироқ Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақлаб қолинади. Бунда ходимлар сонининг оширилишига касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган бўлмоғи лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти қуйидагилар билан тавсифланади:

✱ кичик бизнес субъектлари жамият сиёсий барқарорлигининг асосий кафолати ҳисобланган ўрта қатламни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди;

✱ янги иш жойларини ташкил этади, шу жумладан, кам малакали ва имконияти чекланган аҳоли қатламини иш билан таъминлайди;

✱ бозор иқтисодиёти шароитида зарур тезкорликни таъминлаб, кучли рақобат муҳитини яратади ҳамда ўзгариб турадиган бозор талабига тез мослаша олади;

✱ истеъмолчилик соҳасида юзага келадиган бўшлиқни зудлик билан тўлдиришга қодир бўлиб, энг замонавий технологиядан фойдаланади ва сарфланган сармоянинг ўрнини тез қоплайди;

✱ бошқаришнинг оддийлиги, мураккаб маъмурий аппаратнинг йўқлиги ҳамда хомашё ва меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тўлиқроқ, самаралироқ фойдаланади ва бошқалар.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғини айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётганлар ташкил этади. Президентимиз таъбири билан айтганда, "Агарки юртимизда шу соҳага ўз вақтида катта эътибор қаратиб, унинг ривожи учун ҳар томонлама йўл очиб бермаганимизда, бугун бизнинг кучқувватга тўлган ёшларимиз бошқаларга ўхшаб қаёққа иш излаб борарди, кимларга муҳтож ва қарам бўлиб кун кўрар эди? Шу ҳақида ўйлаш, бунинг олдини олиш давлат ҳокимияти идораларининг асосий бурчидир". Зеро, ўтган йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 480 мингта янги иш ўрни очилгани юқорида зикр этилган фикрнинг яққол тасдиғидир.

Тадбиркорлик субъектларининг тараққий этиши учун уларга ҳар томонлама имтиёз, кафолат, ҳимоя, керак бўлса, улар учун муҳим қулай бизнес муҳитини яратиш лозим. Бунда давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашувини қисқартириш, уларни ташкил қилиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш, солиқ, божхона, банк ва бошқа тўловлар бўйича янада қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳисоботлар тизими, ҳисоботлар топшириш механизмини такомиллаштириш ва унификациялаш, кредитлар ҳажмини ошириш сингари чора-тадбирларни амалга ошириш тушунилади.

Бугунги кунда юқорида зикр этилган ишлар мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён изчил равишда амалга ошириб келинмоқда. Буни биргина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган ягона солиқ ставкаси ўзгариши динамикасида ҳам кўриш мумкин. Мазкур солиқ ставкаси 1996 йилда 38 фоизни, 2000 йилда 31 фоизни, 2005 йилда 15 фоизни, 2009 йилда 8 фоизни, ўтган йилда 7 фоизни ташкил этган бўлса, жорий 2011 йилда 6 фоиз қилиб белгиланди. Солиқдан бўшаб тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида қолдирилаётган маблағлар эвазига улар томонидан ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, юқори технологияга асосланган замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиш, шунингдек, ходимлар ижтимоий ҳимояси ва даромадлилик даражасини янада ошириш амалга оширилади.

Хулоса ўрнида Соҳибқирон Амир Темурнинг барчамизга яхши маълум бўлган: "Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард, ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир", деган ўтмишда ҳам, бугун ва келажакда ҳам ўз қиймати ҳамда долзарблигини йўқотмайдиган пурмаъно фикрларини келтирамиз.

Азизхон НОДИРОВ,
Адлия вазирлиги ахборот хизмати ходими

▼ Қишлоқда тиббий хизмат

Ислоҳотлар самараси

Жисмонан соғлом инсонгина ҳаётидан чин маънода мамнун бўла олади. Бунда эса тиббиёт ходимларининг ўрни беқиёс. Шунинг учун юртимизда бу масалага мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ катта аҳамият қаратиб келинади. Бунинг натижаси ўлароқ, сўнгги йилларда анча замонавийлашган қишлоқ врачлик пунктлари ва амбулаториялар қишлоқ аҳли саломатлигини сақлаш йўлида хизмат қилмоқда.

— Бу масканларни замонавий тиббиёт ускуналари, малакали кадрлар билан таъминлаш давр талабидир, — дейди Навоий вилояти Кармана туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Нажмиддин Шодиев. — Шу боисдан ҳам республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 23 мартдаги буйруғи ва «Саломатлик-1» ҳамда «Саломатлик-2» дастурига кўра тиббиёт бирлашмаси қишлоқ врачлик пунктлари, амбулаториялар 19 миллион 914 минг сўмликдан зиёд замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Дарҳақиқат, биз қаламга олган тиббиёт масканига қарашли Мирзо Улуғбек номли ҚВПда 40 миллион, «Учқун» ҚВПда 5 миллион, «Лўбатон» ҚВПда 5 миллион, «Нарпай» ҚВПда 15 миллион, «Малик Работ» ҚВПда ўтган йил давомида 20 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Натижада ушбу тиббиёт муассасаларида коммунал шарт-шароитни яхшилашга эришилди. Шу боис тиббиёт бирлашмасига қарашли муассасаларда ичиш тизими, электр энергияси, ичимлик суви таъминоти, канализация қудуқлари ва ёнғинни ўчиришда фойдаланиладиган ҳовузлар яхши ҳолатда сақланаётир. Туман марказидан йироқда жойлашган қишлоқ врачлик пунктлари ҳузурида тез тиббий ёрдам хизмати филиаллари ташкил этилди ва тиббий ёрдамга муҳтож беморларга хизмат кўрсатиш имконияти яхшиланди. Бугунги кунда бирлашмага қарашли Ибн Сино, Нарпай, Ҳазора каби қишлоқ врачлик пунктлари ҳузурида мана шундай филиаллар фаолият юритиб, беморлар оғирини енгил қилмоқда.

Улуғбек ҚОЗОҚОВ,
Навоий вилояти

Адлия органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида муайян ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, вазирликда ҳудудий бўлинмаларга эга Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси фаолиятининг йўлга қўйилиши бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Даъво аризалари қаноатлантирилди

Маълумки, адлия органларининг энг муҳим вазифаларидан бири — фуқароларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишда иштирок этишидир. Жумладан, Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йилда 17 миллион сўмлик 62 та даъво аризаси судларга киритилган бўлса, ўтган йил якунлари бўйича бундай даъво аризалар сони 177 тани ташкил этди. Уларнинг 175 таси ёки 98 фоизи суд томонидан қаноатлантирилиб, 57 миллион сўмдан ортиқ маблағ фуқаролар фойдасига ундирилди.

Кўрсатиб ўтилганлар, фуқароларнинг манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш ва тиклашда адлия органларининг ўрни кун сайин ошаётгани, бунга энг асосий вазифа сифатида қаралаётганидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонда "ҳамма нарса инсон учун ва унинг келажаги учун" деган принцип амалга оширилаётганини тасдиқлайди.

Шуҳрат НАЗАРОВ,
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

▼ Сўраган экансиз

Товар ва хизмат кўрсатиш белгилари нима?

Ҳурматли таҳририят!
"Товар белгилари" ва "Хизмат кўрсатиш белгилари" деган сўзларни баъзан кўча-кўйда эшитиб ёки матбуот саҳифаларида ўқиб қоламиз. Хўш, бу иборалар нималарга нисбатан ишлатилади ва қандай маънони англатади?

Дилором ҚОДИРОВА
Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг "Саноат намуналари илмий-техник экспертизаси ва талабнома берилган белгилар экспертизаси" бўлими бошлиғи Саида ЭШОНХЎЖАЕВА ушбу саволга жавобан қуйидагиларни сўзлаб берди:

— *Товар ёки хизмат кўрсатиш белгиси тадбиркорлик билан шуғулланаётган бирор юридик ёки жисмоний шахснинг товарлари ва хизматларини бошқа юридик ёки жисмоний шахсларнинг худди шу турдаги товар ва хизматларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган ҳамда тегишли тартибда ўз соҳиби номига расмийлаштирилган нишонтамга ҳисобланади. Республикамизда жорий этилган қонунчиликка мувофиқ, улар Давлат патент идораси томонидан ҳуқуқий муҳофаза қилинади.*

Товар ва хизмат кўрсатиш белгилари сифатида тасвирлар, сўзлар, муайян шаклли белгилар, уларнинг исталган бир ёки турли рангдаги жамламаси ифодаси рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Қонун нуқтаи назаридан қараганда, уларнинг расмли, сўзли, ҳажмли, жамламали, товушли ва бошқа бир нечта турлари мавжуд.

Сўзли белгилар дейилганда, асосан истеъмолдаги ёинки сунъий равишда ўйлаб топилган сўзлар, иборалар, гаплар, шунингдек, бошқа сўз бирликлари ва уларнинг бирикмаларидан иборат товар ва хизмат кўрсатиш белгилари тушунилади. Улар кундалик ҳаётимизда кенг қўлланилади.

Товар ёки хизмат кўрсатиш белгилари интеллектуал мулкнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва тадбиркорлик субъектларининг фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Ҳозир юртимизда бундай белгиларни қонуний жиҳатдан муҳофаза қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мазкур жараён Фуқаролик кодекси, "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Қонун ҳамда қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга асосан амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган интеллектуал мулк муҳофазаси шаклланганидан, у товар ва хизмат кўрсатиш белгилари ҳамда товар келиб чиққан жой номлари бозорини ташкил қилиш ва ривожлантиришга хизмат қилаётганидан далолат беради.

Ўрни келганда шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, товар ва хизмат кўрсатиш белгиларини олиш учун талабнома тегишли тартибда тўлдирилиб, Давлат патент идорасига топширилади. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам рўйхатдан ўтказилавермайди. Масалан, давлатлар герблари, байроқлари ва мукофотларининг тасвири туширилган, мамлакатларнинг расмий номлари, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг тўлиқ ёки қисқартирилган номлари акс этган белгилар рад қилинади. Шунингдек, фарқлаш хусусияти мавжуд бўлмаганлари ҳам инкор этилади. Улар қуйидагилардир:

— ўзига хос график тасвирга эга бўлмаган алоҳида ҳарфлар, рақамлардан иборат белгилар;

— чизиқлар, оддий геометрик фигуралар ва уларнинг таркибига кирган алоҳида таркибий қисмлардан фарқли, сифат жиҳатидан бошқача қабул қилиш даражасини берадиган композициялар ҳосил қилмайдиган бирикмалар;

— товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишга топширилган талабномадаги товарларни белгилаш учун уларнинг ҳақиқий ёки схематик тасвирлари;

— шакли фақат функционал вазифасидан келиб чиқадиган уч ўлчамли объектлар;

— товарларнинг умумэътироф этилган оддий номлари шу товарларни белгилаш учун;

— ташкилот, корхона ва соҳаларнинг умум қабул қилинган қисқартма номлари ва уларнинг аббревиатуралари.

Товар ва хизмат кўрсатиш белгиларига эга бўлиш учун Давлат патент идорасига талабнома топшираётганлар юқорида зикр этилган тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ ёзиб олди.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47; факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

Тараддуд

ҚАЛАМ МАСЪУЛИЯТИ

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, журналистнинг меҳнатини қадрлаш, жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, мақомини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилаётир. Хусусан, «Атиргул», «Олтин қалам», «Йилнинг энг фаол журналисти», «Энг улуғ, энг азиз» каби танловлар бир неча йилдан буён мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Аммо улар ичида «Олтин қалам» танлови ижод аҳли учун жуда катта эътибор, юксак рағбат намунасидир. Айниқса, унинг халқаро мақомга эгалиги танловга янада улканроқ нуфуз ва салобат бахш этади.

Маълумки, мазкур мукофот ҳар йили 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунида ўз соҳибларига топширилади. Шу кунгача 125 нафар маҳаллий ва хорижий мамлакат журналистлари «Олтин қалам» Миллий мукофотига сазовор бўлганини алоҳида қайд этиш жоиз. Яна саноқли кунлардан кейин — 10 апрелдан ижодий ишларнинг танловга қабул қилиниши тўхтатилиб, улар нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан кўриб чиқишга киришилади. Демакки, сарҳисоб палласи яқин, тез орада нуфузли танловнинг бу йилги эгалари номи катта шодиёна билан эълон қилинади.

— «Олтин қалам» I Миллий мукофоти эълон қилинганда, бор-йўғи 136 журналист 1670 та ижодий иши билан қатнашган эди, — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, «Олтин қалам» Миллий мукофоти ташкилий қўмитаси раиси Шерзод Ғуломов. — Ўтган йили эса 451 нафар журналист ўзларининг 6700 дан зиёд материалларини танловга тақдим этди. Йилдан-йилга янги номинациялар қўшилиб бораётгани янада кўпроқ журналистларни рағбатлантириш имконини бермоқда. Масалан, бу йил ҳам «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган энг яхши материал учун» номинацияси жорий этилди. Натижада 2011 йилда тақдирланадиган танлов ғолиблари ва совриндорлари сони 27 нафар (битта бош, 12 та асосий, 14 та рағбатлантирувчи мукофот учун)га етди. Танловнинг мукофот жамғармаси ҳам шунга монанд равишда ошиб бормоқда. Агар дастлабки йили 11 миллион 280 минг сўмни ташкил қилган бўлса, жорий йилда бу миқдор 149 миллион сўмдан ошади. Танлов ғолиблари ва совриндорларига бериладиган мукофотлар ҳамда уларни тақдирлаш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан молиялаштирилмоқда. Бундан ташқари, тақдирлаш маросимида қатор халқаро ташкилотларнинг юртимиздаги ваколатхоналари ҳам ўзларининг турли мукофотлари билан иштирок этадилар. Бир сўз билан айтганда, айни пайтда юртимизда олтинчи бор ташкил қилинаётган ушбу танловни зўр кўтаринкилик ва муваффақият билан ўтказишга жиддий ҳозирлик кўрилмоқда.

Салим ДОНИЁРОВ, Олтин қалам V Миллий мукофоти халқаро танловининг Интернет-журналистика бўйича биринчи ўрин соҳиби, "Халқ сўзи" ва «Народное слово» газеталари Бош муҳаррирининг «Народное слово» газетаси бўйича ўринбосари:

— Бугун Ўзбекистон демократик тамойилларига асосланган

фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида изчил ривожланмоқда. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самараси, ҳаётимизнинг ушбу ҳақиқатини ҳар биримиз кўриб-кузатиб, бевосита иштирок этиб, қолаверса, дилдан ҳис қилиб турибмиз. Ўлкамизнинг турли жабҳаларидаги улкан ижобий ўзгаришлар, янгиланиш жараёни давом этаётир. Энг муҳими, бу беқиёс янгиланишлар чин маънода оммавий ахборот воситаларининг юксалиши билан чамбарчас боғлиқ. Таъкидлаш лозимки, истиқлол йилларида юртимизда ижодкор аҳлига барча шарт-шароитлар яратилди. Бунда улар воқеа-ҳодисаларнинг кузатувчиси эмас, балки бевосита иштирокчиси бўлмоқда. Албатта, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, фуқаролар онгида миллий истиқлол ғояларини сингдириш, тараққиётга йўналтирилган ислоҳотлар узвийлигини таъминлашда журналистларнинг ўрни жуда муҳимдир. Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, «Баланд тоғ чўққисига чиқиш нечоғли қийин бўлса, ҳақиқий журналистнинг меҳнати ҳам шундай оғир ва машаққатлидир".

Мамлакатимизда журналистларнинг меҳнати улуғланиб, касби шарафланмоқда. Бу эса мазкур соҳада жорий қилинган ва йилдан-йилга довруғи ошиб бораётган қатор ижодий танловларда ҳам яққол намоён бўлаётир. Хусусан, "Олтин қалам" Миллий мукофоти халқаро танлови бунинг ёрқин мисолидир. Танлов йўналишлари оммавий ахборот воситаларининг барча қатламларини қамраб олган. Унда иштирок этаётган номзодлар сони ҳам йил сайин ошиб бораяпти. Демак, танловда ўрин олиш имконияти ҳам шунга монанд равишда ўзига хос рақобат касб этмоқда. Ўрни келганда танлов ташкилотчилигининг ҳам тобора мукаммалашиб бораётганини айтиш лозим. Масалан, ўтган йили тақдимот куни ғолиб ва совриндорлар ҳақида роликлар намойиш этилди. Бу йил эса аввалгидан ҳам чиройли ва эсда қоларли қилиб ўтказилиши режалаштирилаётгани ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали танишиб боряпмиз. Бир сўз билан айтганда "Олтин қалам" миллий мукофоти халқаро танлови том маънода нафақат журналистларнинг, балки бутун халқимизнинг интиқиб кутадиган танловига айланиб улгурди, десам янглишмайман.

"Олтин қалам" билан тақдирланиш ҳар бир журналист учун шараф. У ўз соҳибига ўзгача фахр-ифтихор, кўтаринки руҳият бағишлайди. Муштарийлар ҳам унинг ижод намуналарини катта иштиёқ ва қизиқиш билан ўқишади.

Ўтган йили «Олтин қалам» танловининг Интернет йўналиши бўйича ғолиб, деб топилганимда кўнглимдан ажойиб кечинмалар ўтган. Аввало, давлатимиз раҳбарининг «қалам аҳлига" бўлган эътибори учун чексиз миннатдорлик туйғулари эди. Албатта, ғолиблик кишига катта ишонч ва масъулият юклайди. Мавзу танлашда, уни халқона тарзда ёритишда, ўқувчига етказиш услубларини қайта-қайта таҳлил қиламан. Маълумки, интернет ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланди. Аслида тезкор замон талаби шуни тақозо қилмоқда. Энди бугунги ҳаёт билан ҳамнафас бўлиш журналистларимизнинг устувор вазифасидир. Сабаби дунё жамоатчилиги Ўзбекистонда бўлаётган воқеа-ҳодисалар, унинг жаҳон майдонидаги мустаҳкам ўрни, юксалиб бораётган нуфузи ҳақида интернет орқали ҳам маълумот олади. Президентимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида ушбу восита орқали дунёнинг турли бурчагидан туриб ҳам батафсил танишиб бориш имкони мавжуд. Интернетнинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш юртимиз равнақига, унинг обрў-эътиборини янада юксалтириш, шаънини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Ҳозир ҳам кенг жамоатчиликни қизиқтира оладиган мавзуларда мақолалар ёзишга ҳаракат қиляпман. Мисол учун яқинда Роғун ГЭСи ҳақида материал ёзилди. Барчага маълумки, Японияда содир бўлган табиий офатлар оқибатида дунёдаги энг мустаҳкам ҳимояга эга деб ҳисобланган «Фукусима-1» атом электр станциясига жиддий шикаст етди. Демак, одамзот ҳали табиий офатлар олдида ниҳоятда ожиз. Модомики, технологик тараққий этган Японияда мамлакатда шундай ҳодиса рўй бердими, шундоқ чегарамиз ёнида қўшни давлатлар фикри эътиборга олинмай, бутунлай эскирган лойиҳалар асосида қурилаётган ГЭС ҳам эртага ўта оғир оқибатларни келтириб чиқармайди, дея ким айта олади? Сабаби, маблағ етишмовчилигидан қурилиш сифатига кафолат йўқ. Қолаверса, халқаро экспертизадан ўтказилмагани ҳам чуқур мулоҳаза қилишга чорлайди. Аҳоли хавфсизлигининг тўлатўкис ҳимоя қилиниши борасида-ку гапирмаса ҳам бўлади.

Журналист мақолалари давр нигоҳида қалқиб турган қайноқ мавзуларда бўлиши лозим. Айниқса, у «Олтин қалам" соҳиби бўлса масъулият янада ошади. Боиси мазкур нуфузли мукофот ҳадя этган ишончни оқлаш учун доим ижодий изланиш, фидойилик талаб этилади. Таъбир жоиз бўлса, «Олтин қалам" журналистнинг касбий виждонига айланиши лозим, деб ўйлайман.

Иномжон АБДИЕВ ёзиб олди.

Мушоҳада

СИЗГА БИР ГАП АЙТАМАН...

"Туташ тақдирлар" миллий телесериалида персонажлардан бири Жамила опага "Газетада бир нарса чиқибди, ўқиб кўринг-а" деганда ҳаётнинг мазмунини нуқул латта-путта ва буюмлардан иборат деб билган қаҳрамон: "Йўғ-е, мен умуман газета ўқимайман" дейди.

Дабдабали тўй-томоша, асл матолар ҳақида ўйлаб юрган уй бекасининг шундай дейиши, балки табиийдир. Лекин олий маълумотли, юксак илмий даража ва унвонлар соҳиби бўлган айрим замондошларимиз орасида ҳам умуман қўлига газета олмайдиганлар бор деса, ишонасизми?

Кундалик матбуотни синчиклаб кузатиб борадиган меҳнат фахрийси, иқтисодчи олим Ботир Рашидовнинг мана бу сўзларига қулоқ тутинг:

— Ўн беш-йигирма кунда тўпланадиган улфатларимиз ҳар сафар "Сиз газеталарни ўқиб борасиз, айтингчи, дунёда нима гаплар?" дея сўроққа тутишади. Аслида булар оддий одамлар эмас, профессор ва доцент лавозимларида ишлашган. Негадир газета ўқишмайди...

Бу гап билан бир томонни айблаш фикридан мутлақо йироқмиз. Замон билан ҳамнафас бўлиши лозим бўлган зиёлиларимизнинг даврий нашрларни кузатиб бормаслигини тасаввур этиш қийин. Айни пайтда журналистика соҳасидаги фаолиятимизга танқидий назар ташлаб, масаланинг бошқа жиҳатини тилга олмоқчимиз. Модомики, газеталарни изчил ўқийдиган муштарийлар камайиб бораётган экан, балки газетхонларни биз, журналистлар жалб қилолмаётгандирмиз.

Глобаллашув даврида ахборот оқими ошиб-тошиб кетгани ҳеч кимга сир эмас. Одамлар янгиликларга ташналигини радио-телевидение, интернет каби замонавий воситалардан қондириб боришаяпти. Шу маънода босма оммавий ахборот воситалари газетхонни хабардор қилишдан кўра кўпроқ аҳоли ўртасида ижтимоий фикр уйғотишни ўз зиммасига олиши тўғрироқдир.

Ижтимоий фикр ҳосил қилиш, газетхонларни бунёдкорлик марраларига сафарбар этиш учун, аввало, ишонарли, ҳаётий ва таъсирчан тафаккур зарур. Ҳозирги тезкор асрда газетхонни ишонтириш, эътиборини қозониш осон эмас. Илгарилари "Шу гапни газетада чоп этибдими, бирдан-бир ҳақиқат бу" деган яхлит тушунча бор эди. Энди турли нашрларда бир-бирини инкор этувчи хабарларни ўқиган газетхон ҳушёр баҳо беради. Чунки атрофдаги воқеа-ҳодисаларга танқидий қараш таркиб топиб бўлди.

Газета саҳифаларини шунчаки оддий ишлар ҳисоботи, қайдномасидан иборат мақолалар билан тўлдириб чиқариш бугунги давр матбуот нашрига ярашмайди. Агарки, матбуот ҳаёт кўзгуси экан, жамият турмушидаги ранг-баранглик жозибадор, диққатни жалб этувчи шаклларда акс этиши керак. Муаллифлардан бири ўз идорасининг муайян муддат мобайнида амалга оширган ишлари ҳақида ёзилган битикни чоп этишни сўраб келди. Табиийки, ҳар бир чиқишдан мақсад бўлиши керак. Шу боис "Мақолани ёзишдан мақсадингиз нима?" деб сўрадик. Жавоб дангал бўлди: "Бу ҳисобот учун керак". Кечирасиз, газета саҳифаси — ҳисобот майдони эмас. Лекин минг афсуски, кунда-кунора турли нашрларда бир-бирига икки томчи сувдек ўхшаш ҳисоботларни ўқишга тўғри келяпти.

Бугунги куннинг талаби шундай: сиз матбуот орқали чиқиш қилишга жазм этган экансиз, кўпчиликка айтадиган муҳим, маънили, арзийдиган гапингиз бўлиши керак. Акс ҳолда даврий нашр саҳифасини, газетхон вақти ва кўз нурини банд қилишдан нима наф?! Айтмоқчи бўлган гапингиз ҳам кўпчилик фикридан қувват, халқ маънавиятидан озиқ олса мақсадга эришиш мумкин. Шу қарашлардан келиб чиқиб "Ўзбекистон овози" газетасининг 15 март сонида чоп этилган Муҳаммад Қуроновнинг "Ватан қисматига дахлдорлик" мақоласига назар ташлайлик. Бу мавзу ҳақида соатлаб маъруза ўқиш мумкин. Педагогика фанлари доктори М.Қуронов эса узундан-узоқ гапни чувалаштириб ўтирмайди. Йўлдаги ҳамроҳларининг ранг-баранг фикрларини шундоқ келтиради. Улар билдирган сўзлар ҳам олдиндан берилган савол асосида эмас, балки табиий ва беихтиёр янграган калом. Суҳбатдошлар йўллар ҳақида, янги қурилган уй-жойлар хусусида ўз кўзлари билан кўрган гапларни айтишади. Муаллиф уларнинг фикрларини тинглаш орқали газетхонни ишонтирадиган хулосага келади: "Уларнинг кўзларида "Она юртимизга кўз тегмасин!" деган ифода акс этади. Бу — дахлдорлик туйғусидир. Мана шу уларга қувонч бахш этади. Буларни бирлаштирган шу!"

Эътибор қиляпсизми, кўз ўнгимиздаги оламшумул ўзгаришлардан мақола муаллифи ҳам, мақолани ўқиган газетхон ҳам қўшилиб қувонмоқда. Демак, матбуотда чиқиш қилаётган муаллиф ҳам шу юртнинг фарзанди, айниқса, рўй бераётган воқеалар, ўзгаришлар уни лоқайд қолдирмаслиги керак.

Мамлакатимизда жорий этилаётган ислоҳотлар, эришилаётган кўрсаткичлар таҳлили акс этган мақолалар мароқ билан ўқилади. "XXI аср" газетасининг 24 февраль сонида Миродил Абдураҳмоновнинг "Бунёдкор ва фидойи халқ шижоати" мақоласида Андижон вилоятидаги улуғвор ишлар ҳақида ҳикоя қилинади. Мақолага руҳ ва шукуҳ бахш этган жиҳат нима деб сўрасангиз, айтиш мумкинки, мақолада Андижонда зўр завқ-шавқ билан давом этаётган ишларнинг бевосита иштирокчилари, келажак иморатининг ғиштларини ўз қўллари билан қўяётган инсонлар фикрига таянилган. Хўш, шунча ўзгаришлар аввалги ҳолат билан таққосланганда қандай зуҳур топади, бу ҳаракатдан халқнинг кайфияти, тафаккури қанчалик таъсирланган? Ана шу саволларга кўпни кўрган, ҳаётий тажриба соҳиблари ишонарли тарзда жавоб беришади.

Халқ фикридан озиқ олиш журналистиканинг олтин қоидасидир. Бир қаламкаш, ҳар қанча доно бўлмасин, ҳамиша ёлғизлигича қолаверади. Бир киши нуқул билимдонлик қилаверса, ё ўзини ўзи такрорлайди, ё ақл ўргатувчига айланиб қолади. "Маърифат" газетасининг етакчи ижодкорларидан бири Ойбуви Очилова ҳамиша халқ ижодидан илҳом олиб келади. Унинг кўпгина чиқишлари журналистика оламида воқеа бўлиб, кенг жамоатчилик эътиборини қозониб келмоқда. Унинг ўз жонажон нашрининг 26 февраль сонидаги "Бирлашган ҳамиша ўзади..." сарлавҳали публицистик чиқиши ҳам бундан истисно эмас. Мақоладаги мана бу сатрларга эътибор қилайлик: "Ўзбекнинг ҳар нақлида минг бир ҳикмат бор. Кенгашганга кенг дунё, деб билади бу эл. Болаларини "...бирлашингиз, куч — бирликда" деган ўгит билан улғайтиради. Муштни бир жойга урмоқ билан ҳар қайси улуғ мақсадларга эришмоқ мумкинлигини ҳаётий тажрибаларида неча карра далиллаган халқ яшайди Ўзбекистонда".

Бу сатрларни ўқиганда вужудингиз ғурур ва ғайратга тўлиб кетади. Шу сўзларни айтаётган муаллифнинг эзгу нияти, орзулари беихтиёр сизга ҳам юқади. Мақолада Навоий вилоятида таълимни бугунги кун талаблари асосида модернизациялаш дастури ижроси ҳақида эҳтирос билан ҳикоя қилинади. Вилоятда чет тилларни ўрганиш, электрон манбалар орқали дунёқарашни кенгайтириш бўйича тажриба тўплангандан воқиф бўласиз. Уни ўқиган газетхон шу ажойиб ташаббус бошқа жойларда ҳам кенг қулоч ёйиши ҳақида ўйлайди.

Матбуотнинг асосий вазифаларидан бири шу эмасми?! Биргина шу мақолада юртимизда мустақиллик берган имконият, таълимдаги ислоҳотлар, мактабга эътиборнинг кучайиши — ҳамма-ҳаммаси жонли мисоллар воситасида акс этган.

Истиқлол яратган неъмат ҳақида ана шундай таъсирчан, мароқли ва ишонарли ёзиш керак. Ҳолбуки, айрим пайтларда мустақиллик мавзуи шу қадар баланд-парвоз, қуруқ ва сунъий ибораларда ифодаланадики, беихтиёр бу муқаддас мавзуни асрайлик, дея хитоб қилгинг келади. Нима эмиш, қишлоққа сув келиши ҳам истиқлол шарофатидан эмиш. Индамасангиз, шамолнинг эсиши, қуёшнинг чиқиши ва ботишини ҳам шу мавзуга боғлашади. Ахир, истиқлол ато этган самаралар ҳаётимизда шундоқ кўриниб турибди-ку. Биз уни, керак бўлса, маҳорат билан жонли ва таъсирчан шаклларда кўрсатиб берайлик. Баъзи чиқишларнинг сарлавҳаси кўп нарса ваъда қилади, ичини ўқисангиз ҳеч гап йўқ. Ҳеч гап йўқ бўлса, минбарга кўтарилишнинг нима кераги бор? Мавзу долзарб, ифода ночор. Айтайлик, коллежлар тўғрисидаги баъзи мақолаларни ўқисангиз, кўплари бир-бирига ўхшаш. Аксарият ҳолларда мақола бошдан-оёқ мақтовдан иборат.

Тилга олинган мавзудаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати анча жойни эгаллайди. Кейинги хатбошида ташкилотлар номлари қайд этилади, сўнг шу ишга дахлдор лавозим ва исму шарифлар саналади. Қараб турибсизки, мақола тамом. Ким уни ўқийди? Номлари зикр этилган шахслардан бошқа ҳеч ким. Бундай чиқишларга кўз тушганда "Лоақал сарф этилган қоғозни асрайлик" деган фикр кўнгилдан ўтади.

Сўз — мафкура оламининг ўткир қуроли. У эзгу қалблар орқали бунёдкор, мўъжизакор қудратга эга. Шундай экан, ана шу салоҳият, ана шу имконият фақат хайрли ишларга хизмат қилсин.

Шухрат ЖАББОРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Кузатув

«Қароқчи» рекламалар

Ушбу мақолани ёзишимга курсдош дўстимнинг кўрган туши сабаб бўлди. Унинг айтишича, тўйхонагами-ей, ресторанга ўхшаган жойга бориб қолганмиш. Эшигидан мўраласа, ичкарида одамлар ажаб-ажаб қилиқлар қилиб, рақсга тушаётган, базми-жамшид авжида эмиш. Мен ҳам уларга қўшилиб, бир мириқай, деб ичкарига кирса, нақ дўзахнинг ўзи экан. Кимлардир унинг қўлтиғидан олиб, ёниб турган гулханнинг устига судрабди. Шунда у: "Ҳой, шошманглар, ҳозиргина қараганимда бу жой ҳузурбахш эди-ку?" — дея ҳайқирибди. Ҳалигилар эса мийиғида кулиб: "Бу бизнинг рекламамиз эди" деб жавоб берибди...

Қойил-эй, реклама деганлари инсонни шу даражада ўз ноғорасига ўйнатадиган бўлса-я?!

Реклама аслида мўъжизанинг ўзи, санъат-ку! Ҳали қарасанг, дарахтга кўз битади, чумчуқлар тилга кириб кетади, тиш пасталари одамларга ўхшаб юра бошлайди, ҳапдорилар бактерияларни "жанг"га чорлаб, мағлуб этади. "Мўъжизавий" шампун билан ювилган сочлардан шўрлик қазғоқлар музда тойгандек сидрилиб туша бошлайди...

Бозорда конфет сотиб ўтирган холанинг савдоси қизигандан-қизийди:

— Конфетлар бор, конфетлар...

— Неча пул?

— 10 минг...

— Буниси-чи?

— 12 минг.

— Иккаласи ҳам бир хил-ку, нега бунисининг нархи қиммат?

— Рекламасини кўрмаяпсанми?

— Конфетлар бор, конфетлар...

... Телевизорда ширингина болакай эмаклаганча "Nestle" кашаси томон талпинади. Гўё унинг ҳам дўмбоққина бўлиб ўсишига экрандаги каша сабаб бўлгандай.

— Дадаси, эртага боламизга рекламадаги кашадан олиб келинг!..

Ҳаммасидан дориларнинг рекламаси ўтиб тушади. Иситма, бош оғриғи, йўтал, тумов, шамоллаш... Тананинг минг бир хасталиги айтилганидан кейин экранга нўхатдек ҳапдорини думалатиб юборишади. Бу дегани бетоб бўлдингизми, кўрқмай ичаверинг, дорининг ўзи дардингизни топиб олаверади дегани.

Айтмоқчи бўлганларим рекламадаги маҳсулотлар сифати ҳақида эмас. Эҳтимол, улар мақталганидан ҳам яхшидир. Мен инсоннинг ялтироқ нарсаларга тезда мойил бўлишига ҳайрон қоламан.

Асл маҳсулот ҳеч қачон мақтовга муҳтож эмас. Ҳовлимизнинг бир четида наъматак ўсарди. Ёшлигимда қандай касалга чалинсам, онам шу ўсимлик билан даволарди. Ҳозиргача уйимиздан исириқ аримайди. Неча замонлардан буён табиб бўлиб келаётган жаннати ўсимликлар, ҳали-ҳануз ўзларини "реклама" қилишдан тийилиб келади. Сўз бошида келтирилган латифаомуз воқеа мени кулишга эмас, ўйлашга мажбур қилгани шундан.

Бобур ЭЛМУРОДОВ, талаба

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

НЕФТЬ ТАНКЕРИ ҚАРОҚЧИЛАР ҚЎЛИДА



Денгиз қароқчилари Адан қўлтиғида «Зирку» номли нефть танкерини қўлга олишди. Бу пайтда танкер Уммоннинг Салала портидан 250 денгиз мили узоқлигида Сингапур томонга сузаётган эди.

Айрим оммавий ахборот воситаларида айтилишича, Бирлашган Араб Амирликлари байроғи остида сузаётган танкер аслида Кувайтдаги нефть компаниясига тегишли бўлган. Бироқ Кувайт ҳукумати бу хабарни рад этди.

Айни пайтда кема экипажи 29 кишидан иборат экани айтилмоқда. Уларнинг икки нафари Украина фуқароларидир. Денгизчиларнинг тақдири ҳозирча номаълум. Шу билан бирга, танкерда қанча миқдорда нефть маҳсулоти борлиги, у қанчага баҳоланиши ҳам сир сақланяпти.

Кейинги йилларда денгиз қароқчилари томонидан бир неча маротаба нефть танкерлари қўлга олинди. Масалан, жорий йилнинг февраль ойида 200 миллион долларлик нефть маҳсулотлари ортилган «Ирэн СЛ» супертанкери қароқчилар ўлжасига айланганди.

ИРЛАНДИЯ БАНКЛАРИ ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Ирландия банкларига бошқа давлатлардан 18-23 миллиард евро атрофида қўшимча молиявий ёрдам кўрсатилиши лозим. Бу ҳақда "The Guardian" газетаси хабар тарқатди.

Маълум бўлишича, Европа Иттифоқи томонидан Ирландияга тўртта йирик молия муассасаси — "Allied Irish Banks", "Bank of Ireland", "Irish Life & Permanent" ва "Educational Building Society" банклари стресс-тест синовларидан ўтказилган. Шунга кўра, мазкур банкларга ёрдам кўрсатиш керак, деган тўхтамга келинган. Сўнгги иккиикки ярим йил ичида Ирландия банкларига 46 миллиард евро миқдорида молиявий кўмак берилган.

Эслатиб ўтамиз, ЕИ бундан бир йил муқаддам мамлакатдаги аксарият банкларни таҳлилий тестлардан ўтказган ва иқтисодий инқирозга бардошли деб эътироф этган эди.

«PORSCHE» АКЦИЯЛАРИНИ СОТАДИ

Германиянинг "Porsche AG" автокорхонаси 5 миллиард евро миқдоридаги акцияларини сотмоқчи. Сотувдан тушган маблағ эса корхонанинг 6,34 миллиард евро миқдоридаги қарзларини камайтириш учун сарфланади.

Хорижий оммавий ахборот воситаларининг қайд этишларича, қимматбаҳо қоғозлар сотуви яқин кунларда бошланади. Харидорларга акцияларнинг ҳар донаси 32 фоиз камайтирилган нархда, аниқроғи, 38 евро қийматида таклиф қилинади.

Дарвоқе, ўтган йилнинг сентябрь ойида жаҳон молиявий инқирози таъсирида Германиянинг йирик молиявий ташкилоти — "Deutsche Bank" ҳам ўз акцияларини 10 миллиард АҚШ долларига баҳолаган эди.



«ТАТНЕФТЬ» КАТТА ЗАРАР КЎРДИ

Россиянинг «Татнефть» компанияси Ливиядаги нотинчликлар туфайли 100 миллион АҚШ доллари миқдорида моддий зарар кўрди. "Рейтерс" ахборот агентлиги ана шундай хабар тарқатди.

Ахборотда таъкидланишича,

компаниянинг зарари бундан ҳам ортиқ бўлиши эҳтимоли бор. Олдинроқ эса, «Татнефть» директорлар кенгаши раиси Р.Миннихонов компания 240-260 миллион доллар маблағни йўқотиши мумкинлигини айтиб ўтган эди. Тўғри, бунинг учун Ливияда ҳукумат алмашинуви рўй бериши ва янги ҳукумат «Татнефть»ни тан олмаслиги керак бўлади.

«Татнефть» компанияси Ливиянинг Миллий нефть корпорацияси билан тузилган шартномага асосан мамлакатда нефтни қайта ишлаш билан шуғулланади.

Ливия Шимолий Африкадаги нефть экспорт қиладиган энг йирик мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бу ерда жорий йил бошига қадар кўплаб чет эл компаниялари фаолият юритиб келаётган эди. Мамлакатда фуқаролар уруши бошлангач эса улар ўз ишларини тўхтатишга мажбур бўлдилар.

ЯНА 39 ЙИЛДАН СЎНГ...

Европа Иттифоқининг



транспорт комиссияси махсус дастур ишлаб чиқди. Унга мувофиқ, 2050 йилгача бензин ва дизель ёқилғиси билан ишлайдиган автоуловларнинг шаҳарлар ҳудудларида ҳаракатланиши тақиқланади.

Дастур муаллифларининг айтишича, бундай тақиқнинг жорий этилиши билан автомашиналардан ҳавога чиқадиган заҳарли газларнинг 60 фоизга камайишига эришилади. Бундан ташқари, ушбу амалиёт транспорт индустриясининг нефть ва нефть маҳсулотларига қарамлигига чек қўйиши мумкин.

Жорий йилнинг 1 январидан эътиборан ЕИга аъзо мамлакатларда «Евро-5» давлат стандартлари жорий қилинди. Унга биноан Европа автомобиль бозорида сотиладиган машиналарда углекислород гази белгиланган миқдордан ошмаслиги зарур.

Дунё матбуоти саҳифаларида

«The Sydney Morning Herald», Австралия

Уранга бўлган қизиқиш пасаймоқда



Газетада ёзилишича, Японияда юз берган ядровий инқироз "Росатом" Россия давлат корпорациясини "Mantra Resources" уран қазиб олиш компанияси билан савдо шартларини қайта кўриб чиқишга ва таклиф этилган баҳони 12 фоизга пасайтиришга мажбур қилди. Мазкур ҳолат бошқа компаниялар билан тузиладиган битимларнинг ҳам кейинги истиқболи ҳақида ўйлантиради.

"Фукусима-1" АЭСида рўй берган танг вазиятдан сўнг инвесторларнинг уранга бўлган қизиқиши анча пасайди. Бунинг натижасида ўтган ҳафтада "Росатом"га қарашли АРМЗ уран холдинги акцияларни сотиб олиш таклифини бекор қилди. Бу таклифда бир дона акция 8 АҚШ доллари деб баҳоланганди.

Кеча холдинг акция учун 7,02 доллар таклифи билан чиқди. Бу таклиф инвесторларга маъқул келди. Шундан сўнг "Mantra" акцияларининг нархи 26 фоизга ўсди.

"Бу битим компания акционерларининг манфаатларига мос келиши ҳамда бундан бошқа фойдали таклифлар йўқлиги сабабли компания директорлар кенгаши бир овоздан АРМЗнинг янги таклифини қабул қилишни тавсия этади" дея маълум қилди "Mantra" компанияси.

«OPOVOonline», Бразилия

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти хавотирда

Бразилияда алкоголь маҳсулотларни истеъмол қилиш дунёдаги ўртача кўрсаткичдан 50 фоизга ортиб кетган.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тайёрлаган маълумотга кўра, бразилияликлар бир йилда 24,4 литр алкоголь ичимлик истеъмол қилишар экан. Дунё бўйича ўртача кўрсаткич эса 6,1 литрни ташкил этади. Лотин Америкасининг бошқа мамлакатларига нисбатан олинганда ҳам Бразилиядаги бу кўрсаткич энг юқори — йилига бир кишига 8 литрданга тўғри келади. Шу боис, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мамлакатда алкоголь ичимликлар тарқалиши борасида ўз хавотирини маълум қилди.

Текширишлар натижаси шуни кўрсатдики, охирги беш йил ичида ОИТС, сил каби глобал эпидемияларга чалиниб ўлганларга нисбатан алкоголь ичимликлар таъсирида вафот этган инсонлар кўп экан. Бошқача айтганда, бир йилда мамлакатда 2,5 миллион киши алкоголизм қурбонига айланган. Бу кўрсаткич ер юзидаги ўлимларнинг 4 фоизини ташкил этади.

Нодавлат ташкилотлар мамлакатда алкоголь ичимликлар рекламасини чеклаш зарур, деб ҳисобламоқдалар. Бу масала Конгрессда ҳам кўриб чиқилди, аммо ижобий натижага эришилмади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Таълим ва фан ходимлари Пайариқ туман касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси жамоаси

Ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик, омонлик, меҳр-оқибат, бахту саодат тилайди!

Наврўзи олам шукуҳи барчамизга доим ҳамроҳ бўлсин!

TURON BANK

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ "ТУРОНБАНК"И

2011 йил республикамизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилингани муносабати билан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар учун

"Энг яхши бизнес режа"
"Энг яхши инновацион лойиҳа"
"Энг яхши хизмат кўрсатиш лойиҳаси"
"Энг яхши тадбиркор"
"Энг яхши ёш тадбиркор"
"Энг яхши аёл тадбиркор"

номинациялари бўйича бизнес лойиҳа танловини эълон қилади.

Танловда республикамизда фаолият кўрсатаётган барча инновацион бизнес ғоялари бор тадбиркорлар иштирок этиши мумкин. Танлов ғолиблари имтиёзли фоиз ставкалари асосида "Туронбанк" томонидан молиялаштирилади.

Азиз тадбиркорлар. Сиз ўз бизнес ғоянгиз билан ОАТ "Туронбанк"нинг барча филиаллари кредит бўлимларига мурожаат этишингиз мумкин.

"ТУРОНБАНК" ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ

«ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати

ПОЧТА АЛОҚАСИ

хизматларидан фойдаланинг!

Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz; E.mail: oao@post.uz

Замондошларимиз

ИБРАТЛИ УМР

Шундай одамлар борки, уларни ҳар замонда кўргинг, суҳбатидан баҳраманд бўлгинг келади. Ана шундай замондошларимиздан бири ўзининг бутун онгли ҳаётини жамият, халқ манфаати йўлидаги фидокорона хизматга бағишлаган Пўлат ака Бобомуҳамедовдир. Айни Наврўзи олам қалбимизда баҳорий ҳисларни уйғотган шу кунларда устозни йўқлаб қўйгимиз келди.

Одам тўғри ва ҳалол умргузаронлик қилса, Аллоҳ берган ақл-заковати, иқтидори, саъй-ҳаракатларини эзгулик, яхши амаллар сари йўналтирса, ҳаётда кўп ижобий натижаларга эришиши мумкинлигини Пўлат ака ҳаёти ва фаолияти мисолида кўриш мумкин.

Унинг болалик ва ёшлик дамлари ҳамда бутун онгли ҳаёти хориждаги хизмат сафарларини ҳисобга олмаганда қадимий ва навқирон Тошкент шаҳрида ўтди. У ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг шарқ факультетининг араб филологияси бўлимини муваффақиятли тугатгач, таржимонлик қилди, кейинчалик дипломатик ваколатхоналарда хизматни давом эттирди. Доимо ўзига юклатилган вазифаларни виждонан, ҳалол бажариш ҳаракатида бўлди. Шу туфайли ҳам ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди, деб ўйлаймиз.

Пўлат ака Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ишлаган кезларида халқаро алоқалар бош бошқармаси бошлиғи сифатида мамлакатимиз олий ўқув юртлари билан хориждаги турдош ўқув муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Чет элда таълим олаётган ёш мутахассислар учун зарур моддий-маиший ва маънавий шароитлар яратилишида бош-қош бўлди.

Пўлат ака Бобомуҳамедов серқирра фаолият соҳиби. У ўз меҳнат фаолиятини Давлат божхона қўмитаси тизимини янада мукаммаллаштириш ишида ҳам синаб кўрди. Божхона фаолиятига оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда фаол иштирок этди, «Ўзбекистон Божхона хизмати» китобининг ҳаммуаллифларидан бирига айланди.

Пўлат акага: «Бундай сермашаққат ишларга қандай вақт топасиз?» деб савол берсангиз, кулиб қўяди холос. Бундай гўзал инсоний фазилатлар чинакамига унинг соҳибига нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғотади. Унинг ўта камтарлиги, хушфеъллиги, яқинлари, ёру биродарлари учун кўмак ва ёрдамга ҳамиша камарбасталигида намоён бўлади.

Тиниб-тинчимас, ўзи эмас ўзгаларнинг мушкулини осонлаштириш ташвиши билан яшайдиган Пўлат ака Бобомуҳамедов айни пайтда нафақада бўлишига қарамай, Давлат божхона қўмитаси ветеранлар уюшмаси раисининг ўринбосари сифатида жамият учун фойдали ишларни давом эттираётир. Божхонанинг ёш ходимларини она-Ватанга муҳаббат, истиқлол берган неъматларни қадрлаш, хизмат бурчига садоқатли бўлиш руҳида тарбиялаш билан боғлиқ тадбирларда фаол иштирок этиб, ўзининг бой, ибратли ҳаётий тажрибаси билан ўртоқлашмоқда.

Пўлат аканинг оила тутуми ҳам ўрнак бўларли. Умр йўлдоши Гўзал опа билан ҳаёт сўқмоқларидан орзу-ҳавасга бирма-бир етишиб келишмоқда. Гўзал фитратли инсон ҳожи — Пўлат Бобомуҳамедов хонадонига борганимизда уни ҳамкасблари, биз каби шогирдлари, яқинлари, дўсту биродарлари қуршовида кўриб, унинг умр йўлига ҳавасимиз ортди.

М.АҲМЕДОВ,
Н.МУҲАММАДИЕВ

Мақсадимиз — намунали хизмат кўрсатиш

Чорвачилик — қишлоқ тараққиётининг етакчи тармоқларидан бири. Шу боис юртимизда дастурхонимиз қут-баракаси бўлган ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, чорвачиликни янада ривожлантириш учун ер майдонлари ажратилмоқда. Хоригдан наслли қорамоллар келтирилмоқда.

Айни пайтда Бухоро вилоятида 200 дан ортиқ чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва «Бухороқорақўл» бирлашмаси негизидаги 10 га яқин ширкат хўжаликлари, шунингдек, вилоят «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик компанияси, Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи тасаррафида жорий қилинган ёрдамчи хўжаликлар самарали фаолият юритаётгани юқоридаги фикримизнинг нечоғли ҳақиқатга яқин эканини тасдиқлайди.

Шу ўринда бу борадаги ютуқларни қўлга киритишда Бухоро вилоят омухта ем сотиш бирлашмасининг ҳам хизмати катта эканини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бир неча йилдан буён намунали хизмат кўрсатиб эл ишончини оқлаб келаётган мазкур бирлашма вилоятда жорий қилинган 158 шохобчалар орқали мижозларга омухта ем, шелуха, шрот маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермоқда. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, шохобчаларда ўрнатилган терминаллар орқали пластик карточкаларга савдо хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган. Албатта, бу қулайликлардан харидорлар хурсанд.

Тўғрисини айтганда, ушбу ишларни бир маромда йўлга қўйиш осон кечгани йўқ. Вилоят ва туман ҳокимликларининг қўллаб-қувватлашлари, банклардан олинган имтиёзли кредитлар амалий ёрдам бўлди. Яна бир гапни таъкидлаб ўтишимиз керак: илгарилари омухта емларни «учар тадбиркорлар» устига устама қўйиб, қиммат нархларда аҳолига сотишарди. Нақд пуллар ғазнага эмас, аксинча шахсий манфаатлар учун чўнтакка кирарди. Ҳозирги кунда эса олибсотарлар фаолиятига чек қўйишга эришилди. Бугун хизматимиздан хурсанд бўлаётган фермерлар, арзон харид қилган маҳсулоти учун аҳолига арзон нархда гўшт, сут маҳсулотлари етказиб бермоқда.

Раҳматилла ИНОЯТОВ,
Бухоро вилоят омухта ем сотиш бирлашмаси раиси ®

Божхона почтасидан

РАНГЛИ МЕТАЛЛ ОРТИДАГИ «ҚОРА» ИШЛАР

Саноатда қора ва рангли металларга эҳтиёж ҳамиша баланд бўлган. Шу сабабли ишлаб чиқариш ва техника буюмлари, ҳатто уларнинг парчалари, рангли металлар чиқиндиларининг республикамиздан ноқонуний олиб чиқиб кетилиши қатъиян тақиқланади.

Аммо шунга қарамай таркибида рангли металлар бўлган механизм ва агрегатларни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳолатлари учрамоқда. Хусусан, бу қимматбаҳо маҳсулотларга ўзимизда ҳам эҳтиёж катта бўлса-да, мўмай пул ишлаб олиш илинжида уларни хорижга яширинча олиб чиқиб кетишга уриниш ҳоллари кузатилаётгани ачинарли ҳол.

Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари томонидан Сирдарё туманининг қўшни давлат билан чегарадош ҳудудида жамлаб қўйилган қоплар кўздан кечирилганда, уларнинг ичида юртимиздан олиб чиқишга мўлжалланган 570 килограмм рангли металл парчалар сақланаётгани аниқланди. Афсуски, бу «бойлик»нинг эгаси аллақачон жуфтакни ростлаб қолган экан. Туманнинг бошқа ҳудудида ҳаракатланаётган "Иж-Комби" русумли автомобиль текширилганда эса фуқаро Ж.Жакипов 1 тонна оғирликдаги рангли металл парчаларини ноқонуний равишда республикамиз ҳудудидан олиб чиқишга урингани фош бўлди.

Умуман олганда, ўтган 2010 йилда божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари ҳамкорлигида 442 та қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, 319 миллион сўмдан ортиқ қийматдаги 910 тонна қора ҳамда рангли металл парчалари ва чиқиндиларининг ноқонуний олиб кетилишига чек қўйилди.

Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати

Банк ва ҳаёт

Мижозлар эъти[illegible]и қозониш йўлида

Мамлакатимиз иқтисодиёти йил сайин юқори марраларни эгалламоқда. Бунинг учун корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, айниқса, банк муассасаларининг иқтисодиётнинг муҳим тармоқларига ажратаётган молиявий ресурслари ҳажмининг тобора ошиб бораётгани муҳим омил бўлмоқда. "Алоқабанк" очиқ акциядорлик тижорат банки йиллар давомида тўпланган тажрибалардан унумли фойдаланган ҳолда аҳоли ва мижозларга таклиф этаётган хизматларини ҳар томонлама такомиллаштириб келаётган молиявий муассасалар сирасига киради. Банкнинг Андижон вилояти филиали томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошираётган тадбирлари бунинг ёрқин далилидир.

Мазкур филиал бу борада истиқболни кўзлаган аниқ режа асосида фаолият юритиб, иш кўлами ва сифатини тобора ошириб бормоқда. Муҳими, мижозларга тез, сифатли хизмат кўрсатилаяпти. Натижада мижозлар сони мунтазам кўпайиб бораётир. Айниқса, банкнинг мижозлар билан ишлаш учун қулай шароитлар яратиб бериш билан бирга, уларга мақсадли, қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратаётгани алоҳида эътирофга лойиқ.

Мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилаётгани ва давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилни "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номланиши "Алоқабанк" ОАТБ «Андижон» вилоят филиали жамоаси зиммасига ҳам шубҳасиз катта масъулият юклади. Хусусан, бу ерда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга ўз маблағларини жалб қилган ҳолда кредитлар салмоғини оширишга имкон ҳозирлади. Бугунги кунда банк тадбиркорларни юқори рентабеликка эга лойиҳаларини молиялаштириш, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ҳисобига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, шу орқали янги иш ўринларини барпо қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Эътиборли жиҳати, филиал томонидан ажратилаётган кредитларнинг асосий қисми иқтисодиётнинг саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, савдо ва умумий овқатланиш каби етакчи соҳаларига йўналтирилмоқда.

— Ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиявий манбалар ҳисобидан 5,8 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиб, 162 та янги ишчи ўринлари яратилишига муносиб ҳисса қўшдик, — дейди филиал раҳбари Азизбек Жабборов. — Илгаридан тузилган режаларга асосан тадбиркорликнинг барча йўналишлари қамраб олинди. Кўплаб кичик корхоналар ташкил этилди. Мавжуд корхоналар фаолияти кенгайтирилди. Умуман олганда, банк кредитлари саноат тармоқлари ривожига, бунёдкорлик ишлари жадаллашувига, савдо ва маиший хизмат соҳасида хизматларнинг сифат жиҳатидан яхшиланишига, энг асосийси, аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилмоқда. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектларига 46,1 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилганини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Масалан, вилоятнинг Шаҳрихон туманидаги 2008 йилдан буён фаолият юритаётган «Милк элёр» хусусий корхонасига "Алоқабанк" томонидан аҳолига сифатли ва арзон сут маҳсулотлари етказиб беришни ташкил этиш мақсадида ўтган йили 100 дона зотдор қорамол сотиб олиш учун 600 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бу сармоялар эвазига 20 киши янги иш жойларига эга бўлишди. Ҳозир корхона аҳоли учун зарур бўлган 7 хилдаги маҳсулотни ишлаб чиқармоқда.

Жорий йилда филиал томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини сармоялаш учун 800 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратиш режалаштирилган. Бу маблағларнинг бир қисми касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш, вилоятда касаначиликни ривожлантириш учун сарфланади.

Хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, уларнинг бизнес соҳасидаги билимларини эгаллаб олишларига кўмаклашиш ҳамда тадбиркор аёлларнинг бизнес режаларини молиявий қўллаб-қувватлаш банк фаолиятининг муҳим йўналишларидан бирига айланган. 2010 йилда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган аёлларга филиал томонидан 610 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Натижада 17 нафар аёл доимий иш ўрнига эга бўлдилар.

Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига, асосида ўтган йилнинг ўзида 45 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Фақат булар эмас, "Алоқабанк" ОАТБнинг Андижон вилояти филиали, жисмоний ва юридик шахс мақомига эга бўлган мижозларга ҳам малакали банк хизматини кўрсатиб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини бажариш мақсадида ҳамда аҳолининг истеъмол кредитларига бўлган талабидан келиб чиққан ҳолда ўтган йили ёш оилаларга 195,1 миллион сўм миқдорида кредитлар берилди. Аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида йил давомида жисмоний шахсларга банк филиали томонидан 245,6 миллион сўм миқдорида истеъмол кредитлари улашилди.

Юртбошимизнинг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан ажратилган кредитлар ҳажми 1,3 миллиард сўмга етказилди. Бу маблағнинг 697 миллион сўми ишлаб чиқариш корхоналарига технологик ускуналар сотиб олиш учун, 607 миллион сўми эса хомашё ва материаллар харид қилишга йўналтирилган. Президентимизнинг "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан 661 миллион сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, унинг 315 миллион сўми ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилишга сарфланди.

Маълумки, бугунги кунда пластик карточкалар ишончли тўлов воситаси сифатида тобора оммалашиб бормоқда. Чунки "электрон ҳамён" ҳар жиҳатдан қулайдир. Шунинг учун, Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш бўйича ҳам фаол ишлар олиб борилмоқда. Филиал томонидан 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 2009 йилга нисбатан 155,7 фоизга кўпайди. Аҳоли учун қулайликлар яратиш мақсадида савдо дўконлари ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига жами 144 та терминаллар ўрнатилди. Шуни ҳам айтиш жоизки, пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ҳам кенгаймоқда. Масалан, 2010 йил мобайнида савдо айланмалари миқдори 8932,34 миллиард сўмни ташкил қилди.

Қисқача айтганда, аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратиш — барча тижорат банклари қатори "Алоқабанк" ОАТБ Андижон вилояти филиали жамоаси учун ҳам устувор вазифалардан биридир. Демак, жамоа ўзининг истиқболдаги тараққиётини белгилаб олишда масаланинг ана шу томонига бундан кейин ҳам алоҳида эътибор қаратган ҳолда самарали фаолият олиб бораверади.

Жамшид РАУПОВ ®

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

Мозий ва манзил

Амир Темур ғоридаги синоатлар

Соҳибқирон Амир Темур ҳақида гап кетганда Яккабоғ тумани ҳудудидаги Ҳисор тоғ тизмалари бағрида жойлашган ғор тез-тез тилга олинади. Унга халқ қасоскори Ҳошим ибн Ҳаким — Муқанна қадам қўйгани ҳақида маълумотлар учраса-да, халқ хотирасида "Амир Темур ғори" номи билан яшаб қолган. Қолаверса, ҳазрат Навоий "Саббаъи сайёр" достонида бу гўшани тилга олади, васфига ўн байтга яқин шоҳ сатрлар бағишлайди (бешинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофир ҳикоясида). Кўплаб тарихий манбаларда, жумладан, муаррих Муҳаммад Наршахий асарларида бу ғорнинг таърифи келтирилади.



Турли даврларда бу сирли маскан турли тоифа кишиларининг диққат-эътиборида бўлган, уни илмий мақсадларда ўрганиш учун экспедициялар ташкил этилган, табиат ишқибозлари унинг мўъжизаларини ўз кўзлари билан кўриш учун узоқ-узоқлардан ташриф буюришган, хотиралар тотли бир тарзда қалбларида яшаган, таассуротларини тўлиб-тошиб сўзлаб юрганлар.

Зеро, мазкур ғорда кўплаб синоатлар яширинган. Тарих ва табиат ҳамоҳанглигида пайдо бўлган мўъжиза шукуҳини қуйида рус тилидан таржима қилиб келтираётган парчани ўқиб, яна бир бор ҳис этиш мумкин:

"Шукроналар бўлсинки, тоғ манзараларини томоша қилиш, уларнинг ажойиботларидан баҳраманд бўлиш учун икки марта Тошқўрғон амлокига бордим. Сафаримнинг бирида мўъжизали Қалъаи шерон ҳақида эшитиб қолдим ва уни кўришни ихтиёр этдим. Маҳаллий аҳолидан ишончли кишиларни атрофимга тўплаб, Қалъаи шеронга йўл олдик. Менга йигирма уч киши ҳамроҳлик қилди. Бир кеча йўлда тунадик. Офтоб қисқичбақа буржида бўлишига қарамай, кун ботиши билан чодирда олов ёқилди ва унинг атрофида жипс ўтирдик. Ҳаво шундай совиб кетдики, тананинг оловга терс томонлари музлаб қолаёзди...

Тонг отиши билан йўлга тушдик ва чошгоҳга яқин манзилга етиб бордик. Икки чўққи орасидан кўриниб турган тоғ пойида йигирма танобча майдон кўзга ташланарди. Икки тоғ орасидан дарёча жўшиб оқарди, у Яккабоғдарёнинг боши ҳисобланади. Бу ерда ёввойи зардоли, гилос, олма, олча каби мевали дарахтлар чаппар уриб ётардики, уларнинг саноғига етиб бўлмасди. Тоғнинг бир тарафидаги дарахтлар энди гуллаган, бошқа ёқдагилари эса мева тугиб қолганди (зардоли довчаларини еса бўларди). Бир-бирига қарамақарши турган тоғ қоялари шунчалик ялтирардики, уларга кимдир сайқал берганга ўхшарди.

Ўнг томондаги тоғнинг ўртасида тўртта кунда устига ўрнатилган дарвоза турарди. Дарвозанинг устига рандаланган тўртта ходадан мезана кўтарилган. Унинг бир ёғочи қулаб ётибди, учтаси ўз ўрнида турибди. Дарвоза ўз мезанаси билан ердан ўттиз-қирқ газ баландликда, тоғ чўққисидан эса қирқ-эллик газ пастда. Қуйида туриб, бу иморат нима учун, ким томонидан қурилган ва унга йўл қаердан бошланиши ҳақида қанча бош қотирмайлик, ҳеч нарса тушунмадик. Сафимизда икки-уч тошқўрғонлик кўп китоб кўрган (ўқиган) одамлар бор эди, улар ҳам бу иншоотнинг қачон пайдо бўлганини билишмади.

Тоғнинг яна бир мўъжизаси шу эдики, чап томондаги қоя бағрида юқори баландликдан сув отилиб тушарди. Тарвуздан каттароқ тешикдан кучли оқим билан чиққан сув ёйилиб-ёйилиб пастга тушар, ерга тушгунча муштдек пуфак ҳосил бўларди. Пуфаклар кейинги оқимда товуқ тухумидек кичраяр, ерга тушгач, тошлоққа сингиб, йўқ бўлиб кетарди. Унга яқинроқ бориб, манзарани мириқиб томоша қилдик, тушаётган майда томчилар шудрингга ўхшарди. Анча сув пастга тушиб, дарёга қўшилиб кетарди.

Бу жойдан ўтгач, кўз олдимизда саноғига етиб бўлмайдиган дарахтлардан иборат ёввойи чорбоғ ва каттагина ирмоқ пайдо бўлди. Шу жойда отлардан тушдик ва овқат тайёрлашга киришилди.

Тушлик ва дам олишдан кейин қарийб йигирма киши Қалъаи шеронни томоша қила бошладик. Биз эллик-юз қадамча кўтарилдик. Бу ерда катта дарвозанинг қолдиқлари ётарди, ундан ўтиб, ичкарига кирдик. Юз қадамча орадиқда юқориси ёпилган, отхонага ўхшаган иморат турарди. У тоғнинг ичкарисига қараб ўйиб ясалган. Иморатнинг кесими ўттиз газга тенг. Деворнинг иккала томонига тарашланган тош қалаб чиқилган... Иморатнинг баландлиги отлиқ қўлида қиличини кўтариб юрганда ҳам шипга етолмайдиган даражада эди.

Бинони томоша қилиб, бошқа эшикдан чиқиб қолдик ва қаршимизда шаҳарларда бўладиган катта дарвоза турарди. Аммо тавақаларнинг ўрни билиниб турса-да, ўзи жойида йўқ эди. Дарвозадан кирдик ва ўнг томонда тощдан тахланган зинага дуч келдик. Кимнидир кўтарилиб, қарашга таклиф қилдик. Юқорида тахт ва тощдан қилинган бир неча кенг супалар бор экан.

Ҳар эҳтимолга қарши ўзим билан икки-уч фонус, уч-тўрт темир машъала, икки коса зиғир ёғ ва икки-уч қадоқ шам олиб келган эдим.

Шу ердан ичкарига йўл олдик. Шипнинг баландлиги отхона даражасида. Бинонинг юқори кесими тахминан йигирма газга тенг. Юқори ёпиқ. Унинг томи ва айланаси баланд тоғлар, албатта. Деворининг ички қисми ислимий нақшлар ва қабариқ тасвирлар билан безатилган. Иккала деворда ҳам ўйилган катта-кичик токчалар бор. Токчаларнинг кўп қисми тош панжаралар билан ўралган. Турли жойларда тощдан ясалган катта шамдонлар турарди. Икки-уч жойда ёрғичоқлар ётарди. Қуйида яшаётганлар ва чўпонлар олиб кета олмаган ёрғичоқлар синдирилган.

Хуллас, машъалани ёқиб, ўзимиз билан нон, гўшт, сув ва бошқа егуликларни олиб, икки юз қадамча юрдик ва гумбази Бухоро заргарлик устахоналарига ўхшаб кетадиган, йўлаклари бор кенг жойга чиқиб қолдик. Ўртада ёқутдек товланувчи катта оқ мармар устун осилиб турар, одамлар унинг баъзи қисмларини синдириб олгандилар."...

Бизнинг шарҳ: сафарнома 1893-98 йилларда Яккабоғ беги, Бухоро амирлигида катта мавқега эга бўлган олим ва адиб Мирза Салимбекка тегишли. Дастхат сифатида ўтган асрнинг 50-йилларида илмий экспедициялар бирида қўлга киритилган араб имлосидаги бу манбани тарихчи олим Наим Норқулов форс тилидан русчага ўгиради ва йирик шарқшунос А. Арендс раҳбарлигида номзодлик иши сифатида ҳимоя қилади. Уч юз саҳифадан ортиқ салмоқли ҳажмга эга бўлган сафарнома Бухоро тарихига доир бошқа манбаларда кўп ҳам учрамайдиган маълумотлар борлиги билан қадрлидир. Инчунун, унда Амир Темур фаолияти билан боғлиқ ғор ҳақида ҳам қизиқ далиллар келтирилган. Агар тафсилотларнинг бундан бир аср олдин қоғозга туширилганини ҳисобга олсак, манзарани бугунги кун билан таққослаганда кўплаб хулосаларга асос бўлади.

Нафсиламбирини айтганда, лавҳада шавқ билан тасвирланган табиат кўринишлари бугунга келиб йиллар шамоли таъсирида анча хиралашган. Водийни тўлдириб ётган мевали дарахтлардан асар ҳам қолмаган. Ғорнинг кириш қисмидаги иморат таг-таги билан йўқ бўлиб кетган. Тош тахтлар, девордаги токчалар, уларни ўраб турган панжараларни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. "Бухоро заргарлик устахоналари"нинг гўзаллигини эслатган сталактит ва сталагмитлар қўпориб олиб кетилган, "ислимий нақш"ларнинг тақдири номаълум. Хуллас, қаровсиз муҳит, назоратсизлик ўз касрини қолдирган, даврининг салоҳиятини ва руҳиятини намоён қилиб турувчи ашёлар талон-торож қилинган, табиий гўзалликка зарар етган. Албатта, атроф-муҳит муҳофазаси борасида жиддий тадбирлар кўрилаётган, тарихий манзилларни асраб-авайлаш учун жон куйдирилаётган даврда бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш лозим бўлади.

Очиғи, гарчи биз эслатган ғор манбаларда қайд қилинган, кўплаб меҳмонларда ўчмас таассуротлар қолдирган бўлса-да, у миридан-сиригача ўрганилмаган. Тўғри, ўтган асрда унга кўплаб экспедициялар уюштирилган, маълумотлар халқаро каталогларга киритилган, бироқ бу жой соф миллий тарихий нуқтаи назардан тадқиқ қилинмоғи лозим. У ҳақдаги тасаввурлар эса шунчаки ишқибозларнинг ҳаяжонли ҳикоялари ёки қаламкашнинг таъриф-тавсифи даражасида қолиб кетмоқда, ҳақиқий мутахассисларнинг асосли хулосалари етишмаяпти.

Шундай таассуротларга суяниб дадил айтса бўладики, бу ер ости йўлагида қанчадан-қанча синоатлар яширириб ётибди. Ғор ичида дарахт шохларини, ҳайвон суякларини кўплаб учратиш мумкин. Дарахт қолдиқларига қараб тахмин қилиш мумкинки, бир пайтлар сув сатҳи шу даражада баланд бўлган ва бу ковак жой сув билан лиқ тўлган, шунда ўрмон қолдиқлари оқиб, ичкарига кирган. Суяклар эса балки миллион йиллар олдин яшаган диназаврларга тегишлидир. Негаки, ғорга элтувчи йўлдаги қоятошда ҳақиқатан йирик ҳайвоннинг йигирма учта изи қотиб қолган...

Ғорни республикада энг узун — 616 метр деб таърифлашади. Агар ҳозирги тасаввурлар билан шу хулосага келинган бўлса, бу далил унчалик тўғри эмас. «Амир Темур ғори» телефильмида ғор энг тўрдаги кўлда тугайди, деган фикр қайта-қайта уқтирилади. Ҳолбуки, кўплаб гувоҳлар, жумладан, шу сатрлар муаллифи ҳам кўлдан ўтиб, яна 20-30 қадамлар ичкарилаган. Охирига тақалиб қолган жой юқорига қараб давом этади. Йўлни нарвон ёки арқонсиз давом эттириб бўлмайди. Чунки баландликка шунчаки чиқишнинг иложи йўқ, кўриниб турган йўлаклар анча баланд бўлиб, одамнинг сидирға бўйи етмайди. Шу манзара ғорнинг давоми борлигини тасдиқлаб турибди...

Бағрида кўп синоатларни сақлаб ётган маскан қачондир ўз сирларини ошкор қилади. Шунда бутун мамлакатимиз, ҳатто инсоният тарихига дахлдор янги маълумотлар топилса, ажаб эмас. Бу топилмалар болалик ва ўсмирлик йиллари керагидан кам баён этилган Соҳибқирон Амир Темур таржимаи ҳолини тўлдиришда ҳам асқотиши шубҳасиз.

Ҳаким САТТОРИЙ

Кичкинтойлар китоб жавонига

КАМОЛОТ ПИЛЛАПОЯСИ

Бола тарбиясига гўдаклигидан эътибор беришда хислат кўп. "Қуш уясида кўрганини қилади", деганларидек, мурғак қалб ақл-ҳушини йиғиб олгунча кўрган-билганларига тақлид қилиб вояга етади. Шундай экан, ота-оналар, тарбиячилар болани бошидан тўғри тарбияласалар, қалбига инсоний туйғуларни сингдириб борсалар, шубҳасиз, улар келажакда баркамол инсонлар бўлиб камол топадилар. Бундай масъулиятли вазифани амалга оширишда бадиий адабиётнинг алоҳида ўрни бор.





Қанда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда "Yangi nashr" нашриёти томонидан икки жилддан иборат "Гулгина" номли кичинтойлар учун бадиий адабиёт мажмуаси чоп этилди. Унда болаларни бадиий жиҳатдан мукаммал адабиёт намуналари билан таништириш бўйича мақсад ва вазифалар, кичик ва катта ёшли болаларга йил давомида ўқиладиган, ҳикоя этиладиган, ёдлатиладиган асарлар сони, номи, муаллифлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Бундай адабиёт намуналаридан баҳраманд бўлган боланинг савияси, қизиқиши, тушунчаси ва ўзлаштириш даражаси шубҳасиз ошади. Бундан ташқари, мазкур китоб устоз-мураббийлар ва ота-оналар учун болаларни маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашда муҳим тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади.

Мажмуа болаларнинг ёшига қараб халқ оғзаки ижоди намуналари билан бошланади. Масалан, боланинг чақалоқлик даври, бешикка солиш маросимларида айтиладиган қўшиқлар тавсия этилгани йиллар синовида тобланиб келган қадриятларимизни яна бир бор ёдга солади. Айниқса, бўлажак оналар ҳали фарзанд туғилмасиданоқ, бешик бошида алла айтишни неча бор дилдан ўтказмайди дейсиз:

Алла, болам, алла-ё,
Кўрар кўзим, алла-ё,
Суяр сўзим, алла-ё,
Ширин жоним, алла-ё,
Иссиқ ноним, алла-ё...

Бундай қуйма мисралар билан бирга тўпламдаги болалик хотираларини безовчи жозибадор эртаклар, айтишма-ўйинлар, мақоллар, тез айтишлар, ҳикоя ва достонлардан намуналар мурғак тасаввурларда умуминсоний туйғуларни шакллантиришда катта аҳамият касб этади.

Олимларнинг илмий тадқиқотларига кўра, чақалоқда, аввало, мия, сўнг қалб шакилланар экан. Айтилган эртаклар ёки ўқилган китоблар орқали ўзини англаркан. Мажмуада буюк алломалар қаламига мансуб болаларбоп асарлар: ахлоқ-одобга доир, шунингдек, турли халқларнинг оғзаки ва ёзма ижодидан кўплаб намуналар келтирилгани болага эртароқ ўзини англашига кўмаклашади. Масалан, ҳазрат Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" достонидан келтирилган "Шер билан дуррож" масали, Ал-Бухорий, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк сиймоларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги матнлар кичинтойлар тарбияси учун муҳим аҳамиятга эга.

Ахборот асри, дея таърифланаётган бугунги даврда болажонларни техникага оид асарлар ҳам қизиқтиради. Мажмуанинг биринчи жилдида булар ҳақида расмлар ва оз-оз сабоқлар берилган. Шунингдек, Корней Чуковскийнинг "Телефон" шеъри, Муҳаммаджон Қўшоқовнинг "Светофор сўзи", ёзувчи Турғунбой Ғойибовнинг "Марсдан келган одам", Абдулҳай Носировнинг "Янги машина" ҳикоялари фарзандларимизни тезроқ улғайиб, катталар қаторига қўшилишга ундайди. Иккинчи жилддаги ўсимликлар ва жониворлар ҳақидаги асарлар эса болаларнинг табиатга бўлган муҳаббатини оширади. Буларни уларга етказиш учун тарбиячи ва ота-оналардан эътибор ва ўта зийраклик талаб этилади.

"Гулгина" мажмуасидан мактабгача ва бошланғич таълим йўналишидаги коллеж ўқувчилари, олийгоҳ талабалари ва соҳа мутахассислари ўқув-амалий қўлланма сифатида бемалол фойдаланса бўлади.

Адиба УМИРОВА

Молия муассасаларида

ФАОЛИЯТДАГИ САМАРАДОРЛИК ОМИЛЛАРИ

htb hi-tech bank

Бугунги кунда кечаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида банклар ишини янада такомиллаштириш, молия муассасаларини ишлаб чиқариш тармоғини қўллаб-қувватлашга жалб этиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, унинг мамлакат пул-кредит сиёсатидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш ва улар фаолиятини кучайтириш, инвестициявий имкониятларини янада кенгайтириш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган банк-молия хизматлари сифатини ошириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган амалий ишлар ўз самарасини бермоқда.

Мамлакатимизда изчил иқтисодий ўсиш ҳамда ижтимоий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътиборни қўллаб-қувватлаш мақсадида бугунги кунда "HI-TECH BANK" хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банки томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2010 йил 9 январдаги 80-сонли лицензиясига асосан фаолиятини бошлаган "HI-TECH BANK" ХЁАТБ томонидан ўтган йил давомида иқтисодиётнинг қатор тармоқларига кредитлар ажратилди. Ушбу ажратилган кредитларнинг асосий қисмини (61,2 фоиз) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлашга, кўчмас мулк харид қилиш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари айланма маблағларини оширишга йўналтирилди.

Умуман олганда, 2010 йилда банк томонидан иқтисодиётнинг турли соҳалари жами 19097,1 миллион сўмлик кредит маблағлари билан таъминланди. Шундан 1655,7 миллион сўми қишлоқ хўжалик корхоналарига, 6428,7 миллион сўми саноат корхоналарига, 5857,5 миллион сўми савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналарига, 3189,6 миллион сўми қурилиш соҳасига, 140,6 миллион сўми транспорт корхоналарига ва 1146,4 миллион сўми иқтисодиётнинг бошқа тармоқ корхоналарига ажратилди. Шу билан бирга, аҳолига сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан банк томонидан 655,7 миллион сўм маблағ ажратилган. Ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланишига, ишлаб чиқариш ҳажмини ортиши ва янги иш ўринларининг яратилишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Мамлакатимизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор ижросини таъминлаш мақсадида 3873,0 миллион сўм маблағ ажратилган. Шунингдек, Президентимизнинг "Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтириладиган муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан банк томонидан 6101 миллион сўм миқдорида инвестиция кредитлари ва лизинг хизматлари кўрсатилган. Ажратилган кредитлар ҳисобига 51 та янги иш ўринлари очилган.

"HI-TECH BANK"да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик масалалари бўйича мунтазам ишлайдиган "Call centre" ташкил этилган. Бу эса мижозларга қатор қулайликлар яратмоқда. Бинобарин, банкнинг ўз олдига қўйган устувор вазифаларидан бири иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтиришдан иборатдир.

Мухтасар қилиб айтганда, "HI-TECH BANK" хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида барча зарурий чоралар кўрилмоқда. Бундан буён ҳам бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт."

Дилшод ХАМИДОВ ®

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

МАДАНИЯТ

Саҳна

Миллат туйғуси сингган қўшиқлар

Яхши қўшиқ бахти билан, қаноти ва умри билан туғилади, деган ибора бежиз айтилмайди. Ўзбек миллий қўшиқчилигида бетакрор ижро мактаби яратиб кетган машҳур санъаткор Маъмуржон Узоқовнинг барҳаёт қўшиқлари ўзининг нолаворлиги билан ҳамон тингловчиларни мафтун этади. Тинглаганинг сари ҳайрат ва ҳаяжонга тушасан киши.

Ҳофиз куйлаган қўшиқларнинг умрбоқийлик сирларидан яна бири уларнинг истеъдодли хонандалар томонидан юксак маҳорат билан ижро этиб келинаётганида. Халқимиз севган ана шундай хушовоз ҳофизлардан бири Маъмуржон Узоқовни ўзига ҳақиқий устоз деб билган таниқли санъаткор Ўлмас Саиджонов бўлади. У катта саҳнага Маъмуржон Узоқов қўшиқларини куйлаб кириб келди. Ўзи ҳам ажойиб қўшиқлар яратди. Аммо мухлислар қалбидан Маъмуржон Узоқов қўшиқларининг бетакрор ижрочиси сифатида ўрин олди.



Маъмуржон ака қўшиқ куйлаганда булбуллар ҳам унинг нолаларини жимгина тинглаган, деган лутфлар бор. Ҳақиқатдан ҳам булбулни лол қолдириш, уни мафтун этиш учун қўшиқчида Аллоҳ берган илоҳий овоз бўлиши керак. Маъмуржон Узоқов қўшиқларини тингларкансиз, бу овоз қалбингизни ўз-ўзидан сеҳрлайди, дардларингизга малҳам бўлади, қувончларингиз қанот қоқади. Гўё ҳофизнинг авжлари арши-аълодан келаётганга ўхшайди. Бу тўлқинлардай ҳайбатли ва бўрондай қудратли авжларнинг сир-синоати етарлича ўрганилмаган. Ана шундай машҳур санъаткорнинг машҳур қўшиқларини ниҳоятда маромига етказиб куйлаш, унинг услуби ва йўлларига путур етказмай асраб-авайлаб ижро этиш, тўғриси, қўшиқчилик пирига айланган устоз санъатининг "панжасига панжа уриш" учун ҳофизга Маъмуржон аканикидек истеъдод ва улкан юрак керак.

Ўлмас Саиджонов журъат ва жасорат билан Маъмуржон ҳофизнинг бетакрор, нафис нолаларига қалбини вобаста этди, қўшиқларни қўшиқларига юксак маҳорат билан пайванд қилди...

Маъмуржон Узоқов қўшиқ куйлаб туриб жон берганларида Ўлмас ака 12 ёшли бола эди. Устозни кўриш, дуо олиш унга насиб этмаган.

Ёркин овоз соҳиби Ўлмас Саиджонов миллий қўшиқчилик санъатимиз анъаналарига мустаҳкам эътиқод билан амал қилиб келаётган содиқ ва собир санъаткор. Унинг репертуари ҳам айрим қўшиқчиларники каби аралаш-қуралаш, енгил-елпи эмас, балки ибратли, оз-у соз. Шу боис ҳам хонанда репертуаридан кишини ҳайрат ва ҳаяжонга соладиган мумтоз ашулалар ўрин олган. Масалан, Ўлмас Саиджонов репертуаридаги "Соғиниб", "Тасаддуқ", "Иймон азиз", "Феруз", "Доғман", "Беминнат", "Сўроқлар", "Мустаҳзод", "Сарбон ўтмоқда", "Эй, сабо", "Ойижоним", "Парво этиб кет" сингари бирбиридан жозибадор қўшиқлар минг-минглаб санъат мухлислари қалбидан мустаҳкам жой олган. Бу қўшиқлар кўнгилга тегмайди, аксинча дилни яйратади. Қалбларга қўшиқ гулларининг нозик ифорларини сочади.

У киши ниҳоятда камтарин, ҳар жиҳатдан ибрат олса арзийдиган, ўрганадиган санъаткор. Айниқса, камтарлик ҳозир айрим санъаткорлар, ёш хонандалар орасида тансиқ фазилатга айланиб бораётган бир пайтда Ўлмас Саиджоновдай ҳокисор ҳофизнинг борлиги бизга ҳамиша таскин беради, ғурур бағишлайди. Бу камтарликнинг саҳна ва ижро маданияти билан боғланиб кетгани яна бир ибрат.

— Халқимиз нонни, сувни қадрлагандай юксак истеъдодли санъаткорларни ҳам бошига кўтариб келади, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ҳофиз ҳақида гап кетганида. — Ўлмас Саиджонов ўзининг дилбар қўшиқлари билан ҳамиша қалбларимизга нур бағишлаб келаётир. Унинг қўшиқларига миллат туйғуси сингиб кетган. Яхши биламизки, санъатда мавсумийлик ва доимийлик бор. Бугун биз Ўлмасжоннинг санъати тимсолида доимийликни байрам қилаётирмиз. Ҳар жиҳатдан ижобий шахсларгина бундай бахтга муяссар бўладилар...

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид унинг шаънига шундай шеър бағишлаган:

Бу диёрда наволидир — ҳар хорми ё ҳар хас бўлгай,
Сувларию тошида ҳам куй-қўшиққа ҳавас бўлгай.
Ўзбекона авж пардада оҳанг тортса мутриблари,
Булбул шу он создан кечиб, ўшал зоҳат гул маст бўлгай.
Қўшиғи бор буюк элсан, авжинг арзу самодадир,
Қўшиғи йўқ эл толеи бутун умр кулмас бўлгай.
Маъмуржону, Комилжонлар наво айлаб кетган боғсан,
Асл санъат — мангу бўстон, гул-чечаги сўлмас бўлгай.
Бу дунёда чин қўшиқлар ўлмас бўлиб яралгайлар,
Асл қўшиқлар куйлаган ҳофизлар ҳам Ўлмас бўлгай.

Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбековнинг устоз таърифига айтган қуйидаги сўзлари ҳам қалбга яқин: "Сиз билан бир саҳнада қўшиқ айтишнинг ўзи бахт", — дейди у. Яна бир таниқли хонанда Ҳосила Раҳимова эса Ўлмас акани "қўшиқчилик майдонида елкаси ер кўрмаган ҳофиз", деб таърифлайди.

Муҳтарам Президентимизнинг: "Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш энг асосий вазифамизга айланиш зарур", — деган сўзлари аллақачон Ўлмас Саиджоновдай устоз санъаткорларнинг асосий фаолиятидан ўрин олгани боис ҳам ёш истеъдодларга қўшиқчилик санъати сирларини астойдил ўргатиб келаётир. Мухлислар олқишига сазовор бўлиб келаётган Ўлмас Оллоберганов, Аслиддин Дўстов, Муҳсин Мўминов, Зариф Азизов сингари хонандалар Ўлмас Саиджоновдай устозлари борлиги билан фахрланадилар.

Мамлакатимизда ёш истеъдодларга катта эътибор берилаётганини чуқур англаб етган фидойи санъаткор ва устоз Ўлмас Саиджонов ўзи раҳбарлик қилаётган Муҳиддин Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси қошида асосан ёш ижрочилар ва созандалардан иборат "Мумтоз" ашула ансамблини тузди. "Шашмақом" намуналарини, миллий ва мумтоз ашулаларни ижро этиб, тарғиб қилаётган ушбу ансамбль турли нуфузли тадбирларда юксак ижролари билан концерт дастурларини намойиш этиб келмоқда.

Ўлмас Саиджонов ижод қилиб, куйлаб чарчамайдиган ёшда. У қўшиқни умрининг, ҳаётининг мазмуни, деб билади.

Юртбошимизнинг оталарча ғамхўрлигини чуқур ва теран тушуниб етган Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджоновнинг энг юксак орзуси — келажаги буюк Ўзбекистон учун ҳормай-толмай хизмат қилиш. У мана, йигирма йилдирки, Наврўз ва Мустақиллик байрамларида, катта анжуманларда мунтазам қатнашиб, озод ва ҳур Ватанни жўшиб-жўшиб куйлайди. Қатор хориж мамлакатларда бўлиб, миллий мумтоз қўшиқларимиз довруғини оламга ёйиб келмоқда.

— Ўзбекистондай бетакрор ва гўзал юрт дунёнинг ҳеч бир жойида йўқ, — дейди Ўлмас ака фахр билан, — Бу юртни қанчалар куйласак ҳам камлик қилади. Бу юрт учун фидо бўлсанг арзийди...

Ашурали ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Спорт

БЕТИМСОЛ ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ

Пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида шахмат бўйича 2004 йилги жаҳон чемпионати ғолиби, ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ва амалдаги жаҳон чемпиони, ҳиндистонлик Вишванатан Ананд ўртасида халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, шахмат федерацияси ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир ўзбек шахматининг халқаро нуфузини янада оширишга, ўғил-қизларнинг спортга қизиқишини кучайтиришга хизмат қилди.

Ҳамюртимиз ҳамда амалдаги жаҳон чемпиони ўртасидаги беллашув "матч-рапид" тартибида ўтказилиб, тўрт партиядан иборат бўлди. Унда ҳиндистонлик шахмат устаси 3,5:0,5 ҳисобида зафар қучди.

28 март куни Вишванатан Ананд пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида мамлакатимизнинг энг истеъдодли ёш шахматчилари билан семинар-тренинг ўтказди. Орадан бир кун ўтиб Рустам Қосимжонов билан ҳам ана шундай семинар-тренинг уюштирилди.

ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Наманганда теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимига киритилган турнир якунланди.

Дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан моҳир теннисчилар ғолиблик учун куч синашган мусобақанинг жуфтлик беллашувларида бош соврин ўзбекистонлик теннисчилар — Нигина Абдураимова ҳамда Альбина Хабибулина жуфтлигига насиб этди. Турнир финалида ўзбекистонлик ракетка усталари россиялик Екатерина Бичкова ва Марина Шамайкога қарши кортга чиқиб, 4:6, 7:6, 10:8 ҳисобида зафар қучди.

Яккаликлар ўртасидаги финал беллашувида хорватиялик Ясмина Тинжич Россия вакиласи Екатерина Бичковани 7:6, 2:6, 7:6 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бош совринни қўлга киритди.

ДАРВОЗАБОННИНГ ЮЗИНЧИ ГОЛИ

Футбол тарихида энг самарали ўйнаётган дарвозабонлардан бири бразилиялик Рожерио Сени фаолияти давомидаги юзинчи голини киритди. Футбол бўйича мамлакат чемпионатининг навбатдаги турида у жарима тўпини муваффақиятли бажариб, жамоасининг ғалабасига муносиб ҳисса қўшди.

ФИФА тарқатган расмий маълумотларига кўра, «Сан-Паулу» клуби дарвозабони Рожерио Сени ҳисобида 98



та гол бор. Бироқ мазкур футболчи иккита ўртоқлик учрашувида ҳам ўз ҳисобига гол ёзиб қўйган. Эътиборли томони, Рожерио Сени 56 та голини жарима тўпларидан киритган. Қолганлари эса пенальтидан амалга оширилган.

УРС ЛАКОТ ЛАВОЗИМИДАН КЕТДИ



Халқаро олимпиада қўмитаси бош директори Урс Лакот ишдан бўшаганлигини маълум қилди. Бу ҳақда АР хабар тарқатди.

Эллик уч ёшли Лакот соғлигининг яхши эмаслиги туфайли ана шундай қарорга келган. Эндиликда у ХОҚда маслаҳатчи бўлиб фаолият юритади. Эслатиб ўтамиз, Урс Лакот 2003 йилдан бери ХОҚнинг бош директори лавозимида ишлаб келаётган эди.

Азим РЎЗИЕВ

ЭЪТИБОРИНГИЗНИ ҲАММАГА ҚАРАТИНГ!
«ҲАММАГА САЛОМ!» ТАРИФИ
$0,015 Ўзбекистон бўйича чиқувчи қўнғироқлар, SMS ва MMSлар (дақиқа / хабар)
$0,005 МТС тармоғи ичида 1 дақиқа учун (3-дақиқадан кейин)
«Ҳаммага салом!» тариф режасига ўтиш учун USSD-команда: *111*120#
МТС бир қадам олдинда
Хизматлар лицензияланган

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд
ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси —	8-361-505-19-11	Қашқадарё —	8-375-357-75-10
Андижон —	8-374-250-90-39	Сурхондарё —	8-376-396-30-59
Бухоро —	8-365-592-85-02	Фарғона —	8-373-215-80-58
Самарқанд —	8-366-233-62-12	Хоразм —	8-362-291-48-44
		Навоий —	8-436-742-78-70

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Матёқуб НАРЗИЕВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 19 30

® — тижорат белгиси.

Адади: 9561 Буюртма — Г-326 123 5